

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

Носирова Раъно
ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ПОЭТИКАСИ

Ихтисослиги: 5A220101-“Адабиётшунослик”

**Адабиётшунослик магистри академик даражасини олиш учун
магистрлик диссертацияси**



АНДИЖОН-2010

РЕЖА

Кириш

I-боб

Ўзбек халқ қўшиқлари генезиси

II-боб

Халқ қўшиқларида вариантлик масаласи

III-боб

Халқ қўшиқларининг бадий хусусиятлари

Хулоса

Кириш

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассаслашган тарих, адабиёт, ʼат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.¹

И.А.КАРИМОВ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, халқ қўшиқлари ўзининг шаклан гўзал ва мазмунан теранлиги, оҳорли ташбеҳларга бойлиги ва юксак бадиияти, жарангдор ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Халқ оғзаки ижоди деб аталган зилол чашмадан баҳраманд бўлмаган инсон йўқ бўлса керак.

Халқнинг ҳаёти бешиқдан қабрга қадар қўшиқ билан боғлиқ: инсон руҳига қўшиқ чақалоқлигидаёқ алла орқали сингади, кейин бутун умри давомида унга қўшиқ ҳамроҳлик қилади-қувончли кунларида ҳам, қайғули тунларида ҳам. У охират диёрига ҳам йиғи-йўқлов қўшиқлари билан кузатилади. Бинобарин, хулоса қилиш мумкинки, одам боласи қўшиқ тинглаб улғаяди, қўшиқ эшитиб, қўшиқ яратиб яшайди, қўшиқ воситасида дунёни тарк этади. Унинг бутун ҳаёти турли-туман қўшиқларида мужассам.

Қўшиқда халқ ҳаёти бутун қирралари билан, халқ кайфияти барча кўринишлари билан намоён бўлади. Қўшиқда халқ тафаккури, дунёқараши, анъаналари, урф-одатлари, ўзига хос хусусиятлари акс этади. Халқ характери бошқа бирор нарсада унинг қўшиқларидагидек аниқ ва ёрқин ифодаланмайди. Аслида халқ руҳиятини унинг қўшиқлари орқали ўрганиш керак.

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 30-31-бетлар.

Бу кўшиқларда халқнинг ҳар қандай давр, ҳар қандай таъқиқларда ҳам синмаган метин иродаси, ўлмас руҳи ифодаланган. Энг қоронғу замонларда ҳам сўнмаган ёруғ ишончи ўз аксини топган, халқнинг овозини бўғса, у тили билан, тилини тутса, дили билан куйлайверган. Ҳар қандай тузумда ҳам халқнинг ижод қилишдан тўхтамаганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Халқ яратишдан тўхтаса-ҳаёт тўхтаб қолади. Халқ кўшиқ айтмай кўйса-дунё жимиб қолади. Халқ кўшиқ тингламай кўйса-санъат ўлади. Ҳолбуки халқ бундай бўлишига сира йўл кўймайди-яшаш яратиш, ҳузурланишдан чарчамайди. Халқнинг буюклиги сири ҳам шунда.

«Ўзбек халқ кўшиқлари ранг-баранг жанрлардан таркиб топган бўлиб, инсон туғилишидан тортиб то ҳаётининг сўнгги кунларигача бўладиган жамики маросимлар, анъана ва удумларнинг бари турли-туман кўшиқлардан иборат. Инсон руҳиятининг минг бир хилда товланишлари, ҳасрат-надомати, орзу-тилаклари, воқеликка бўлган муносабати қалб тўридан булоқдай жўшиб, қайнаб чиққан кўшиқларда мужассамлашган. Азалдан кўшиқсевар аждодларимиз ижтимоий ҳаётнинг мураккаблигини, табиат ва жамият муносабатларининг сирларини тушунишга, қалбиджа туғилган туғёнларни мисраларга жо қилишга интилган. Олис юлдузлар жилосидан тортиб, янги остонага ибод билан қадам кўйган келинчакка билдирилган эзгу тилаклар ҳаяжонгини, бургут паровзи, масъум ой карашмалари, япроқларининг осуда шитирлашини чуқур бадиий идрок этган халқимиз ўз хис-туйғуларини кўшиқ қилиб куйлаган, ўртанган, ёнган».¹

Халқ ижодкорлари ва кўшиқчиларининг сўз, тасвирий воситаларга зарғарона муносабати туфайли ҳар бир тўртликда фикр аноср доналаридек зич, етук даражада ифодаланганча сайқал топади.

«Халқ шеърятининг лирик марваридлари бўлган кўшиқлар-шакли қисқа, образлари ёрқин, иборалари ўткир бўлади. Шунинг учун эсда қолиб, тез тарқалади. Енгил, оммабоп бўлган кўшиқларнинг яна бир хусусияти куй-оҳанг билан айтилишидадир. Халқ кўшиқнинг куйланишинигина эмас, ўйин билан ижро этилишини ҳам истайди»² Шунинг учун ҳам халқ кўшиқлари ҳамма даврда ҳам машҳур ва оммабоп бўлган.

Халқ кўшиқларига муҳаббат бирор бир даврда сўнмаган. Ҳатто Шўро даврида ҳам улар алоҳида меҳр билан куйланган ва тингланган. Гарчи баъзи кўшиқлар замон руҳига

¹ М.Обидова. Кириш. Қаранг: Тафаккур чечаклари (Ўзбек халқ кўшиқлари). 1992, Т., 4-5-бетлар.

² Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари, 18,19-бетлар.

мослаб ўзгартирилган, ҳукмрон мафкурага бўйсундирилган бўлса-да, улар ўз жозибаси, таъсирчанлигини сақлаб қолган.

«Халқ жуда кўп ажойиб кўшиқларни ёдида сақлаб келади. Асрлар бўйи айтилиб келган бу кўшиқлар авлоддан-авлодга ўтиб, тобора мукаммаллашган, халқ ҳаётида юз берган ўзгаришлар натижасида доим янгилашиб, энг яхшилари бизнинг давримизга қадар етиб келгандир».¹ Кўшиқ-ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлади: давр талабига жавоб бермаган кўшиқлар сахнадан ттушиб қолади ёки янги замонга мослаб қайта ишланади. Чунончи, паранжи ташлаш, инқилоб, партия, колхоз ҳаёти, социалистик меҳнат, ҳатто уруш ҳақидаги кўшиқлар ҳам эскиради. Бинобарин, уларни истиқлол даврига мослаб қайта ишлаш керак. Зеро, халқ кўшиқчилигида шундай анъана мавжуд: халқ кўшиқлари ҳамиша замонга мувофиқ равишда ўзгартириб ижро этилиб келган. Халқ кўшиқларининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Мустақиллик даврида ҳам шундай кўшиқлар пайдо бўлмоқда. Гўзал, таъсирчан, ўйноқи куй ва кўшиқлардан фойдаланиш, уларнинг баъзиларини қайта ишлаб, замонга мослаштириш ижодбий натижа бериши шубҳасиз.

Халқ кўшиқларининг илдизи узоқ замонларга бориб боғланади. Чунончи, кўшиқ Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» (1074) асарида, «кўшиқ» шаклида учрайди ва шеър, қасида (бирон кимса ёки нарсага аталган шеър) маъносини англатади.

Қадим замонларда «шлок», такшут», «ир» (йир), «куч» каби атамаларнинг ҳам назм, шеър, яъни маълум даражада кўшиқ жанрига алоқаси бўлган.

Кўшиқ ҳақида маълумот берилган ҳамма адабиётларда унинг «кўшмоқ» феълидан ҳосил бўлгани айтилади. Кўшиқ атамасининг келиб чиқиши қанчайин содда туюлмасин, оғзаки ижодимиздаги бу жанр жуда мураккаб руҳий кечинмаларни ифодалашга хизмат қилади.

Кўшиқлар матнида инсон кеичнмалари, қувонч ва изтироблари, қалб сўзлари акс эшитиш, шаклан шеърый тарзда бўлиши, ўзбек халқ кўшиқлари асосан бармоқ вазнида, баъзан арузда яратилиши, кўпинча халқ кўшиқлари тўрт мисрадан иборат бўлиб, тугал руҳий ҳолатни ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлади.

Шунингдек, бир неча бандлардан иборат бирон мавзуга бағишланган кўшиқлар ҳам бўлиши мумкин.

Кўшиқларнинг куйи бўлади ва ана шу куй жўрлигида ижро этилади.

Аждодларимизнинг буюк мероси бўлган кўшиқларни ўрганиш ёшларимизда халқимизнинг маданий меросига, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиради ва уларни ҳаолқ оғзаки ижодининг дурдоналари билан танишиши имкониятини яратади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда бизнинг битирув-

¹ Визго Г.Кириш. Қаранг: Ўзбек халқ музыкаси. IX жилд. Т., 1962, 9-бет.

малакавий ишимиз мавзусининг долзарблиги белгиланади. Демак, ўзбек халқ кўшиқлари поэтикасини ўрганиш олдимизда турган долзарб мавзулардан биридир.

Битирув-малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Инсон ҳаётини кўшиқсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, инсон қадим-қадимдан юксак маънавиятга, гўзалликка интилиб яшаган. Президентимиз таъкидлаганларидек «Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар даовмида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг бааъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиата, одамларга яқинлик, доимо яхшилиқни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларида баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради».¹ Албатта, бу борада халқ кўшиқларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Биз ана шулардан келиб чиққан ҳолда битирув-малакавий ишни бажариш жараёнида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик:

- ўзбек халқ кўшиқлари тарихига бир назар ташлаш;
- кўшиқларни таснифлаш;
- халқ кўшиқларининг мотивларини таҳлил қилиш;
- халқ кўшиқларида вариантлилиқ масаласини тадқиқ этиш;
- халқ кўшиқларининг бадиий хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш.

Тадқиқот манбалари. Битирув-малакавий ишимизнинг тадқиқот манбаси сифатида «Шода-шода марварид» (Ўзбек халқ кўшиқ-лари) (2006), «Ой олдида бир юлдуз» (Ўзбек халқ маросим кўшиқлари) (2000), «Гулёр» (1967), «Бойчечак» (1983) каби бир қанча ўзбек халқ кўшиқлари тўплами танланди.

Шунингдек, вақтли матбуот нашрларида чоп этилган ўзбек халқ кўшиқлари ҳақидаги мақолаларнинг, илмий қўлланма ва бошқа нашрларнинг илмий-назарий жиҳатларига эътибор қаратилди. Андижон Давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси фондида сақланаётган илмий экспедициялар пайтида ёзиб олинган халқ кўшиқларининг матнлари синчиклаб кўздан кечирилди.

Битирув-малакавий ишнинг методологик ва назарий асослари. Илмий ишимизга муҳтарак Президентимизнинг маънавият масалаларига бағишланган бир қатор асарлари, хусусан, 2008 йилда «Юксак маънавият-енгилмас куч» асари, рус, ўзбек фольклоршунос олимларининг халқ оғзаки ижоди, ўзбек халқ кўшиқлари мавзусига бағишланган бир қатор қўлланма ва асарлари назарий манба бўлиб хизмат қилди. Айниқса, Ҳошимжон Раззоқов, Музайяна Алавия, Баҳодир Саримсоқов, О.Собиров, К.Очилов, О.Мадаев,

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 30-31-бетлар.

Т.Собитова, К.Имомов, Р.Носиров, Эргаш Очилов, Маматкул Жўраев каби фольклоршунос оилмларнинг тадқиқотларида келтирилган қоида ва хулосалар илмий ишимизга муҳим методологик манба бўлди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув-малакавий ишимизнинг аҳамияти шундан иборатки, унда ўзига хос қўшиқлари генезиси, унинг ўзига хос хусусиятлари, қўшиқлар таснифи ва тематикаси, ўзбек халқ қўшиқларидаги вариантлик масаласидаги тасаввурларга аниқлик киритади ва ўзбек халқ қўшиқлари поэтикаси ҳақида қўшимича маълумотлар беради.

Шунингдек, битирув-малакавий ишда ёр-ёрлар, аллалар, терма тўртликлар ҳақидагина эмас, балки халқ дostonларидан олинган қўшиқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда битирув-малакавий ишдан маълумот ва материаллардан:

- ўзбек халқ қўшиқлари поэтикасига бағишланган махсус курс ва семинарларда;
- маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда;
- адабий кечалар ташкил этишда;
- миллий истиқлол ғояларини ўрганишда;
- мактаб, лицей ва коллежларнинг қўшимча дарсларида фойдаланиш тавсия этилади.

Ишдан халқ қўшиқларига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Битирув-малакавий ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий ишимиз кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

1-боб. ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ГЕНЕЗИСИ

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъиян ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташилаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.

... Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунни унутган миллатнинг келажаги йўқ.¹

И.А.Каримов.

Халқимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзбекона урф-одатлар, расм-русумлар, асрлар давомида яратилган достонлар, эртақлар, қўшиқлар ҳақида алоҳида ғурур билан гапирила бошланди. Ҳар бир инсон бирон соҳанинг етук ва билимдон мутахассиси бўлишдан ташқари ўз халқининг фарзанди бўлмоғи лозим. Яқин ўтмишда алла билмайдиган келинчакни, достон эшитмаган йигитларни, аския ёки латифа айтиб кўнгил чигилларини ёзмаган ўзбекни учратиш мумкин бўлган.

Бугунги кунда ўзбек қадриятлари булоғидан сув ичган, ўзбекона муомалани бутун қалбга сингдирган, мурасага келишмаган, тарафлар ўртасини тотувлаштирадиган, ўтларда, азаларда, ишбошилиқ қиладиган юртдошларимиз билан фахрланамиз. Энг қувонарлиси, мухтарам Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли халқ оғзаки ижодини санъат сифатида ўрганиш имконияти яратилди. Юртбошимизнинг «Алпомиш» достонининг минг йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтган куйидаги сўзлари фикримизнинг ёрқин исботидир: «Алпомиш-ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танги боболаримиз юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлолардан-авлоларга ўтказиб келаётган қахрамонлик қўшиғидир».²

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т., «Маънавият», 2008, 4-бет.

² Президент Ислом Каримовнинг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи.

Дарҳақиқат, халқ урф-одатларини билмай туриб, ўзбекман дейиш мумкин эмас. Халқимиз орасида ҳозиргача яшаб келаётган минглаб қўшиқларимиз борки, уларда халқимизнинг ўтмиши, урф-одатлари ва миллий қадриятлари мужассам. Зеро, халқ қўшиқлари бизнинг бебаҳо дурдоналаримиздир.

Халқ қўшиқлари генезиси ўзининг узоқ тарихига эга. Чунончи, туркий халқлар ижодида, ҳатто эрамиздан аввал ҳам қўшиқ жанрига мансуб асарлар борлиги маълум. Нисбатан кейинги намуналар эса Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан ҳам ўрин олган. Маҳмуд Қошғарий ёзиб олган қўшиқлар асосан меҳнат (ов) қўшиқлари қаҳрамонлик, мавсум-маросим ва лирик асарлардан иборат. Масалан:

**Йигитлариг ишлату,
Йиғач ямши ирғату,
Қулан, кийик авлату,
Базрам қилиб авналим.**

Мазмуни:

Йигитларни ишлатайлиғ,
Дарахт(лар)дан мева(лар)ни қоқтирайлик,
Қулон, кийик овлатайлик,
(Сўнг) байрам қилиб қувнайлик.

Аждодларимизнинг меҳнат жараёнига бўлган муносабати акс этган мазкур қўшиқда жамоа бўлиб меҳнат қилишга, ҳар бир ишни кўтаринки руҳда бажаришга, меҳнат самарасидан баҳраманд бўлишга чақириқ аниқ билиниб турибди.

Кейинги тўртликка мурожаат қилайлик:

**Такра олиб акуралим,
Атгин тушиб юкаралим,
Арсланлаю кукаралим,
Кучи анин кавулсин.**

Мазмуни:

(Душман) атрофини ўраб, қамал қиламиз,
Отдан тушиб югурамиз,
Арслондек наъра тортамиз,
Унинг кучини қуритамиз.

Тўртликда қадимий туркий халқлар вакилларининг душман устидан ғалаба қозониш режаси акс этган. Шуниси диққатга сазоворки, бор-йўғи шу тўрт мисрада учта ҳарбий усул ифодаланган. Биринчидан, душман қўшинини ҳамал ҳолида тор-мор қилиш,

иккинчидан, отдан тушиб овоз чиқармай ҳужумни уюштириш, учинчидан, рақибни руҳиятига таъсир қилган ҳолда наъра тортиб талвасага солиш. Аммо бу режа ҳам воқеанинг оддий баёни тарзида эмас, эмоционал кўтаринки-руҳий вазиятда ифодаланган.

Маҳмуд Қошғарий қуйидаги мисолда ҳар йили табиатда бўлиб ўтадиган манзара ҳақидаги қўшиқ намунасини келтиради:

Ёй қиш билан қаришти,

Ардам ёсин қуришти,

Чирик тутуб кўрушти,

Ўқтамағали ўтрушдур.

Мазмуни:

Ёз қиш билан қарама-қарши бўлишди,

(Уларнинг ҳар бири) мақтаниш ёйини қуришти,

Кўшин тузиб (бир-бирини) таъқиб қилишти,

(Ёй) отиш учун (бир-бирига) яқинлашди.

Демак, кўриниб турибидки, йил фаслларидаги ўзгаришлар ҳозирги пайтлардагидек одамларни лоқайд қолдирмаган. Ёз ўз фазилатларини, қишэса ўз ижобий томонларини бирма-бир санаб ўтишга тайёр. Агар ёзнинг отган ўқида аҳолининг иссиқ кунларда яйраши, экин ишлари билан шуғулланиши, ризқ-рўз жамлаш фаолиятлари қайд этилса, қиш ўз навбатида ўзи ҳукмрон бўлган даврда қирғин-аброт урушларнинг тўхташини таъкидлаб ўқ отади. Ҳар икки фаслнинг ижобий ва салбий томонлари тилга олинади.

Муҳими шундаки, «Девону луғотит турк»да мавсумий қўшиқлар билан бир қаторда маросим билан боғлиқ лирик парчалар ўрин олган. Хусусан, олим аза маросимида айтиладиган қўшиқлардан намуналар келтирилади:

Улишиб эран бўрлаю,

Йиртин яқа урлаю,

Сикриб уни юрлаю,

Сигтаб кўзи ўртилур.

Мазмуни:

Мардлар йиғлаб, бўридек увлашдилар,

Ёқаларини йиртиб бақаришдилар,

Фарёд чекдилар,

Қаттиқ йиғидан кўзлари хиралашиб, (гўё) парда босди.

Келтирилган қўшиқда Суғд элининг ботир фаразнди Алп Эртунга (Афросиёб) ўлиmidан кейинги воқеалар ҳақидаги ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган. Агар бу ажсур ва мард ўғлоннинг эрамиздан аввал яшаб ўтган Искандар Македонскийга қарши курашиб

етакчидир. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек халқ кўшиқларининг бугунги кунда эл орасида ижро этилаётган намуналари асосина қадимги замонларда омма орасида яшаган кўшиқлар ташкил этади. Ва ниҳоят, халқимизнинг қувончи ва ташвишли кунларида, меҳнат қилиш жараёнида унга ҳамиша ҳамроҳ бўлган. Бинобарин, халқ кўшиқларини миллатимиз тарихининг ўгзал кузатувчилари дейишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда ҳам кўшиқлар халқ ҳаётига ҳамроҳдир. Уларда меҳнат, тарихий воқеаларга муносабат, мавсум-маросимдаги урф-одатлар, қолаверса, ёш йигит-қизларнинг ишқий кечинмалари ўз ифодасини топади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратайлик:

Гулсапсарни кўринг,

Сувга қараб қайрилади.

Бевафо ёрни кўринг,

Ўлмай туриб айрилади.¹

(«Ўл бўлсин» кўшиғидан).

Бойчечаким бойланди,

Қозон тўла айронди.

Айронингдан бермасанг,

Қозонларинг вайрондир.²

(«Бойчечак» кўшиғидан)

Бог оралаб бораман, сахро оралаб бораман,

Гул Ватан, ишқинг билан пахтаман саралаб тераман³

(«Даврон сурайлик» кўшиғидан)

Сенга қўйдим яхши от, алла,

Яхши ниятдур мурод, алла.

Юрту элга суянсанг, алла,

Сенга бўлгуси қанот, алла.⁴

Ушбу кўшиқлар шубҳасиз бир-биридан фарқ қилади. Демак, кўшиқларимиз бир неча турлардан иборат. Фольклоршунос олимларимиз кўшиқларни қуйидагича турларга бўлганлар:

1. Меҳнат кўшиқлари.
2. Мавсум-маросим кўшиқлари.
3. Лирик (ишқик) кўшиқлар.

¹ Шода-шода марварид. 17-бет.

² Ўша китоб, 48-бет.

³ Ўша китоб, 70-бет.

⁴ Ўша китоб, 388-бет.

4. Тарихий кўшиқлар.

Фольклоршунос олим Б.Саримсоқов меҳнат кўшиқлари генезисига тўхталаркан, меҳнат кўшиқлари халқ шеърятининг энг қадимий шаклларида хисобланишини алоҳида таъкидлайди.

Меҳнат кўшиқларининг энг қадимий намуналари гарчи бизга қадар етиб келмаган бўлса ҳам, бироқ инсоннинг тил ва онга эга бўлган энг шариф зот сифатида шаклланлаглигига қараб айтиш умкинки, меҳнат кўшиқлари ҳам ибтидоий жамоа тузумининг илк босқичларидаёқ вужудга келиб, инсондаги онг ва тил тараққиёти билан боғлиқ ҳолда бевосита меҳнат жараёнида секин-аста ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан тараққий этиб келган.¹

Б.Саримсоқов меҳнат кўшиқлари, уларнинг дастлабки пайдо бўлиш жараёни ва ривожини тўғри ҳал қилиш учун бу кўшиқларнинг тарихий тараққиётини назардан кочирмаган ҳолда қуйидаги уч босқичга бўлиб ўрганиш тўғрироқ бўлишини таъкидлайди.

Биринчи босқич-меҳнат кўшиқларининг принципда вужудга келиш жараёни. Бу жараён ибтидоий жамоа тузумининг илк давридаёқ бошланиб, унинг сўнгги этапларида яқунланган. Меҳнат кўшиқлари бирданига пайдо бўлмаган ва улар ҳамма вақт ҳам бир хил функция ўтамаган. Уларнинг дастлабки намуналари қисқагина, изчил ритмик тузилишга эга бўлмаган шеърӣ парчалардан иборат бўлиб, мазмунан улар у ёки бу ҳаракатга ундаш, жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ундовчи хитоблардан ташкил топган. Кишилар уларни меҳнат қуролларига сўзнинг магик қудрати орқали таъсир кўрсатиш жараёнида бир хил ритмни сақлаб туриш ва шу йўл билан меҳнат қилувчиларнинг чарчоғини унутишга, бардам руҳ билан ҳаракат қилишига ундаш мақсадида қуйлаганлар. Мана шу жараёнда меҳнат кўшиқларининг куртаклари пайдо бўлди. Кейинчалик эса меҳнат жараёнидаги ҳаракат ритмига мос келувчи ундов, хитоблар сақланган ҳолда матнлар таркибига муайян мазмунга эга бўлган сўзлар, оддий гаплар кириб борди. Мана шу тариқа халқ поэзияси таркибида дастлабки жанрлар силсиласи-меҳнат кўшиқлари юзага келди.

Иккинчи босқич. Бу босқич меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва меҳнат турларининг ҳар бирига оид кўшиқларнинг яратилиши билан характерланади. Бу босқичда юзага келган меҳнат кўшиқларида ҳар бир меҳнат тури, касб-ҳунар пирларига сиғиниш

¹ Б.Саримсоқов. Меҳнат кўшиқлари //Ўзбек фольклори очерклари. Т., «Фан», 1988, 223-224-бетлар.

мотивлари вужудга келган. Меҳнат тақсимоти тўла амалга ошган даврдаги меҳнат кўшиқларида ҳам меҳнат жараёнида ҳаракат ритмини сақлашга уриниш таъсир кучи воситасида меҳнат унумига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда аста-секин эстетик функция бажариш ҳам пайдо бўлади.

Учинчи босқич. Бу даврда ижтимоий меҳнат тақсимотининг тугалланиши, синфий жамиятнинг тўла қарор топиши ва меҳнат кўшиқларида ижтимоий тенгсизлик мотивларининг ривожланиши билан характерланади. Энди меҳнат кўшиқларида меҳнат турлари билан боғлиқ пирларга сиғиниш мотивлари қисманг сақланиб қолган бўлса-да, бироқ бу даврдаги меҳнат кўшиқларида ғоявий-эстетик функция етакчилик қила бошлайди. Энди сўзнинг магик қудрати орқали меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатиш ёки ҳаракат ритмини сақлаш каби функциялар аста-секин йўқола бошлайди. Бизга қадар етиб келган ўзбек халқ меҳнат кўшиқлари худди мана шу босқичда яратилган фактик материаллардан иборат. Бу босқичда яратилган меҳнат кўшиқлари ҳам бевосита меҳнат жараёнида вужудга келган бўлиб, ана шу жараённинг ўзида ижро этилса-да, бироқ ўзининг қуйидаги икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчиси кўшиқларда социал тенгсизликдан шикоят мотивлари анча кучли намоён бўла бошлайди. Иккинчиси-уларда ишқ-муҳаббат билан боғлиқ мотивлар ўрин олади.¹

Меҳнат кўшиқларининг бу тараққиёт босқичи яна шу билан характерланадики, худи мана шу босқичда бевосита меҳнат жараёнида яратилиб, ана шу жараёнда ижро этилувчи кўшиқлар билан бир қаторда меҳнат жараёнида яратилиб, ундан ташқарида ижро этилувчи меҳнат мавзуларидаги кўшиқларни меҳнат кўшиқларидан кескин фарқлаш керак бўлади.

Меҳнат кўшиқлари,-деб ёзади Б.Саримсоқов,-жиддий кўздан кечирилса, уларнинг меҳнат турига қараб ранг-баранг жанрлардан ташкил топганликларини кўриш умкин. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб, биз меҳнат кўшиқларини муайян бир жанр сифатида эмас, балки ўз ичига поэтик шакли, мазмуни, ижро усули, тарзи, шароити, ижрочилар таркиби, поэтик матннинг мелодик тузилиши жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланувчи бир неча мустақил жанрларни қамраб олувчи халқ лирикасининг мустақил бир туркуми деб қарашни лозим топдик. Демак, меҳнат кўшиқлари маросим кўшиқлари, севги кўшиқларидан кескин фарқланувчи лирик турга мансуб мустақил жанрлар туркумидан иборатдир.

¹ Б.Саримсоқов. Меҳнат кўшиқлари. // Ўзбек фольклори очерклари. Т., «Фан», 1985, 224-225-бетлар.

Меҳнат кўшиқлари ранг-баранг жанрлардан ташкил топган бўлса ҳам, бу жанрларни бир туркум доирасида ушлаб турувчи бир неча хусусиятлар мавжуд. Бизнингча, улар қуйидагиларда кўзга ташланади:

1. Барча жанрлар ижро шароитининг бевосита меҳнат жараёни билан боғлиқ эканлиги. Меҳнат турлари, уларда ижро этиладиган кўшиқлар ранг-баранг бўлса-да, бироқ меҳнат кўшиқларининг ибтидоси, жонли яшаши ва интиҳоси бевосита муайян меҳнат жараёни билан боғлиқдир. У ёки бу меҳнат турининг ўзгариши ёхуд йўқолиши ана шу жараёнда ижро этилган кўшиқ табиатида ҳам кучли ўзгаришлар юз беришига ёхуд унинг меҳнат тури билан биргаликда йўқолишига олиб келади.

2. Кўшиқлар матнида меҳнат, унда қўлланиладиган нарса ва предметларга мурожаат мотивлари ҳукмронлик қилади. бу мотивлар эса, кўшиқнинг, бинобаринЮ, меҳнат турининг қонунийлигига қараб турлича даражада зоҳир бўлади.

3. Меҳнат кўшиқлари энгил ритмик структура, қофияланиш тарзига ва одий поэтик тилга эга. Уларда мураккаб поэтик рамзлар ҳамда кўчмалар учрамайди. Бундан ташқари, меҳнат кўшиқларида ундов, хитоблардан иборат такрорлар, нақоратлар кўп учрайдики, бу нарса уларнинг қадимийлигидан далолат беради. Демак, мана шулардан келиб чиқиб меҳнат кўшиқларини меҳнат ҳақидаги кўшиқлардан фарқлаш лозим.¹

Меҳнат кўшиқлари билан боғлиқ масалалардан яна бири уларнинг маросим билан алоқадорлигини аниқлаш ҳисобланади. Фольклоршуносликда меҳнат кўшиқларининг маросимга дахлсизлиги яқдиллик билан эътироф этилади. Бироқ масалага тарихий жиҳатдан жиддий ёндошилса, бундай эътирофлар ўзини оқлай олмай қолади. Чунки жамият тараққиётининг муайян босқичида кишилар маълум бир меҳнат турининг айрим узвларини, айниқса, унинг бошланиши ва якуний қисмларини махсус маросимлар воситасида ўтказганликларини кўриш мумкин. Масалан, деҳқончиликни оладиган бўлсак, меҳнатнинг бу турига хос барча ишлар ер ҳайдашдан бошланади. Бинобарин,Ю ҳайдашга этилган ерга дастлабки қўш чиқариш бевосита шох мойлар маросими билан бошланган.ю Ёки этилган ҳосилни ўриб олишда охириги сиким дон поясини ўриб олишдаги обло барака маросимини олинг. Илгариги пайтларда манашу маросимларда айтилувчи махсус кўшиқлар бўлган, аммо улар бизга қадар етиб келмаган. Бу маросимлар ўз характериға кўра бевосита меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлганлар. Бироқ маросимнинг ўзи сақлангани ҳолда унда ижро этилувчи кўшиқларнинг унутилиб кетиши меҳнат кўшиқларининг маросим билан алоқадорлигини йўқолиб кетишига олиб келган. Демак,

¹ Б.Самрисоқов. Меҳнат кўшиқлари. // Ўзбек фольклори очерклари. Ўн томлик. I-том. Т., «Фан», 1988, 226-бет.

меҳнат кўшиқларининг кейинги таракқиёти босқичлари назарда тутилса, улар ҳеч қандай маросим билан алоқадор эмаслар, деб бемалол айтиш мумкин.

Меҳнат кўшиқлари меҳнат турлари билан боғлиқ ҳолда ранг-баранг жанрларда таркиб топган экан, бу жанрлар илмий нуқтаи назардан тасниф этилгани ҳолда, яъни муайян гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилиниши лозим. Мана шу жиҳатдан ўзбек халқ меҳнат кўшиқларига ёндошилса, уларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқлар.
2. Чорвачилик билан боғлиқ кўшиқлар.
3. Хунармандчилик билан боғлиқ кўшиқлар.¹

Масалан, деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат кўшиқларидан бизга қадар «Қуш кўшиқлари», «Ўрим ёки ўроқчи кўшиқлари», хирмон кўшиқлари ёки «Хўп майда» каби жанрлар етиб келган. Бевосита деҳқончилик маҳсулотлари билан боғлиқ меҳнат жараёни бўлгани учун «Ёрғичоқ кўшиқлари»ни ҳам ушбу гуруҳга киритиш мумкин.

Халқ кўшиқлари орасида қўш кўшиқлар ўрим кўшиқлари, янчиқ кўшиқлари ёки хўп майда кўшиқлари, турай-турай кўшиқлари, чуриялар, хунармандчилик билан боғлиқ меҳнат кўшиқлари, чунончи чарх кўшиқлари, бўзчи кўшиқлари, ўрмак кўшиқлари, кашта кўшиқлари ҳам борки, улар халқимизнинг маданий мероси жуда бой эканлигидан далолат бериб турибди.

Кўшиқ халқ шеъриятининг қадимий ва кенг тарқалган турларидан биридир. У мазмун ва шакл жиҳатидан хилма-хил жанрлардан иборат бўлиб, унинг асосий қисмини лирик кўшиқлар ташкил этади. Оммавий жанр бўлган лирик кўшиқларнинг мазмунини инсоннинг руҳий олами ва ички кеичнмаларини тасвирлаш ташкил этади. Бундай тасвир ҳис-туйғу орқали конкрет образларда гавдалантирилади. Турмушда содир бўладиган кўнгилли ва кўнгилсиз воқеалар, мақсад йўлидаги курашда юз берган қийинчиликлар, ғам-андух ёки шоду хуррамликлар ўзига хос бир йўсинда кўшиқда акс этирилгандай, ўзаро муносабат, турмуш ёки меҳнатга бўлган муносабат ҳам ўз ифодасини топади.

Масалан, «Дарё-тошқин» кўшиғидан олинган ушбу парчага эътибор қаратайлик:

Дарё-тошқин, сувлар-тўлқин, ўтолмайман-ей,

Отим ориқ-манзилимга етолмайман-ей.

Отгинамни ориқ қилган шу майда тош-ей,

*Рангинамни сариқ қилган шул қалам қош-ей!*²

¹ Б.Самрисоқов. Меҳнат кўшиқлари. // Ўзбек фольклори очерклари. Ўн томлик. I-том. Т., «Фан», 1988, 226-бет.

² Шода-шода марварид. 16-бет.

Кўшиқда ёрининг севмаслигидан нолиш мотивлари кучли бўлса, «Жанон бўламан деб» кўшиғида кесатиш, мақташ ҳолатлари юқори ўрин тутади:

Жонон бўламан деб, ҳаммани куйдирасанми?

Куйган бу фақирларни яна ёндирасанми?

Эй офати жон, юз йилга довур шундай турасанми?

Ёш бошинг ила севмай, мана шундай юрасанми?

Эй Мехри Кулол кўчасидан ўтмаганим, кел!¹

«Шода-шода марварид» кўшиғи севги мавзуидаги энг яхши кўшиқ ҳисобланади.

Кўшиқ ўхшатиш ва ажойиб сифатлашлар асосига қурилган:

Дарёдан оқиб келади,

Шода-шода марварид.

Рўпарамда ўлтиради

Қоши қаро барно йигит.

Қоши қаро барно йигит,

Ҳаргиз ололмайсан мени.

Кокилим қимматбаҳо,

Ташлаб кетоломайсан мени.²

Куйидаги «Сизнинг айвон» кўшиғида эса севikli ёрга мурожаат қилинади:

Сизнинг айвон-бизнинг айвон эмасми?

Ўртасида чинни равон эмасми?

Келасиз-у кетасиз-бир сўз демайсиз,

Бу ҳаммаси юракда армон эмасми?

Тогда арча минг йил умр кўрарми?

Шохи синса, заргар кумуш қиларми?

Заргарнинг қилгани кумуш бўларми?

Билиб берган кўнгил жудо бўларми?³

Маълумки, Хоразм азалдан ўз куй-кўшиқлари билан машҳур. Аслида ҳар бир воҳанинг ўз кўшиқчилилик анъанаси бор. Лекин Хоразмда дostonлар тор жўрлигида ижро этилганлиги сабабли улар таркибидаги кўплаб кўшиқлар халқ кўшиқларига айланиб кетган. Масалан, «Саллона-саллона» («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидан), «Салом

¹ Ўша китоб, 19-бет.

² Ўша китоб, 26-бет

³ Ўша китоб, 28-бет

келибди» («Гўрўғли» достонидан), «Қизлар» ва «Булбул кўрдим» («Тоҳир ва Зухра» достонидан), «Саёдхон боғдадир-боғда» ва «Қора кўзларинг на тилар мендан?» (Сайёд ва Ҳамро» достонидан), «Қайдин галдинг?» («Баҳром ва Гуландом» достонидан) каби халқ достонларидан олинган кўшиқлар ана шулар жумласидандир.

Биз куйидаги кўшиқни машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов ижросида қайта-қайта тинглаганмиз:

*Панжарадан мойил-мойил боққан ёр,
Ёр, қора кўзларинг на тилар мендан?
Ширин жоним ишқ ўтина ёққан ёр,
Ёр, қора кўзларинг на тилар мендан?
Шул қора кўзингга банда бўлойин,
Ман сандан айрилиб, қанда борайин?
Ман бир тилло узук санда бўлойин,
Ёр, қора кўзларинг на тилан мандан?¹*

Бу кўшиқнинг «Сайёд ва Ҳамро» достонидан олинганлигини кўпчилик билмаса керак. Достонлардан олинган кўшиқларда у ёки бу қаҳрамоннинг ички кечинмалари руҳияти, қувонч-ташвишлари акс этади ёки бирон бир қаҳрамоннинг қиёфаси тасвирланади. Айниқса, уларда муболаға жуда кўп қўлланилади. «Гўзалхон ва Маҳмудали» достонидаги «Гўзалхон» кўшиғидаги куйидаги сатрлар фикримизнинг исботидир:

*Гўзалхонни халққа таъриф айласам,
Анинг нозин юз минг ноза бермасман.
Кўрган ошиқларни ҳайрон айласам,
Ҳар бир нозин юз минг ноза бермасман.²*

Бундан ташқари, никоҳ маросимларида айтиладиган ёр-ёрлар, азаларда айтиладиган мотам ёр-ёрлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Масалан, тўйларда айтиладиган ёр-ёрларда келин-куёвнинг таърифи келтирилади:

*Келинойим сўрасангиз,
Ширинсўзлик, ёр-ёр.
Қоматлари ярашган,
Қамар юзлик, ёр-ёр.*

¹ Шода-шоода марварид. 307-бет.

² Шода-шоода марварид. 312-бет.

*Аравага шох босдим,
Юлдуз бўйлик, ёр-ёр.
Келинойимп сўрасангиз,
Суксур бўйлик, ёр-ёр.¹*

Бу ерда келин камар (ой), суксурга ўхшатиляпти. Унинг сўзлари ширин эканлиги алоҳида таъкидланган.

Мотам ёр-ёрлари ва йиғи-йўқловларда руҳий изтироб ва дард-алам акс этади:

*Мозор йўли андадур, вой онам,
Тупроқлари майдадур, вой онам.
Ширин-шакар онамни, вой онам,
Энди кўрмоқ қайдадур, вой онам.*

Ёки:

*Қалам-қалам қошларинг, вой болам,
Қаландарлар қилди мени, вой болам.
Хумор-хумор кўзларинг, вой болам,
Хуноблар қилди мени, вой болам.*

Марҳума билан хайрлашаётганда, унга мурожаат қилинади:

*Салом, эй барно қизим, хуш келибсиз ёр-ёр,
Меҳмон бўлиб бу дунёга хуш келибсиз, ёр-ёр.*

Хуллас, ўзбек халқ кўшиқларининг илдизлари жуда қадимий бўлиб, халқ кўшиқларида халқимизнинг ҳаёти тўлақонли акс этган. Халқ кўшиқлари, уларнинг жанрлари, генезиси ва бадий хусусиятларини ўрганиш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Боиси келгуси авлодларимиз албатта халқимизнинг бу маданий ва бебаҳо меросидан албатта баҳраманд бўлишлари, халқ кўшиқлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишлари зарур.

¹ Ой олдида бир юлдуз. 54-бет.

II-боб Халқ кўшиқларида вариантлик масаласи

Халқ оғзаки ижодидаги кўшиқлар ҳам лирик асарлардир. Чунки уларда инсоннинг хис-туйғулари, кечинмалари акс этади. Халқ кўшиқлари сўз санъатининг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Биз кўшиқларни таснифлаш жараёнида шундай ҳолатларга ҳам дуч келдик. У ёки бу кўшиқ турли даврларда куйланган: муайян олинган кўшиқни бир хонанда нисбатан тўлиқ айтган бўлса, бошқаси уни ижро жараёнида қисқартирган. Кўп кўшиқлар турли мусиқага солинган, ибнобарин, мусиқа талабига кўра турлича узун-қисқалиқда айtilган. Шунингдек, халқ кўшиқларининг турли воҳалардаги ижроси ҳам баъзида ўзаро фарк қилади. Халқ кўшиқларининг ранг-баранглик касб этиши сабаблари шунда бўлса керак.

Бундан ташқари, айнан бир хил кўшиқларнинг турли вариантлари мавжуд. Халқ кўшиқларининг ўзига хос жанрларидан бири вариантлик ҳисобланади. Бу жиҳат ҳар бир кўшиқнинг вужудга келиши, тарқалиш даражаси ҳақида тасаввур туғдириш баробарида мазкур ижод намунасининг бадиийлик, шеърий хусусиятларини аниқлаш учун имкон беради.

Халқ кўшиқларидаги вариантлик масаласида хилма-хил қарашлар мавжуд. Фольклоршунос Б.Саримсоқовнинг эътирофи этишича, ўзбек халқ

меҳнат кўшиқларининг тадқиқотчиларидан бири К.Очилов бу масалада икки воқеани меҳнат кўшиқларининг принцип жиҳатдан вужудга келиши билан кейинчалик уларнинг кенг вариантлашуви, бу вариантларнинг эса аксарият ҳолларда мустақил асар даражасига келиб қолиш масаласини бир-бирига қориштириб юборади: «Хуллас, вариантларнинг турли-туманлиги, бир вақтлар баъзи фольклористлар айтганидек, қандайдир ибтидоий текстнинг форма ва мазмун жиҳатидан мукамаллашиш жараёни эмас, балки муайян инсон тафаккури ва бадиий қувватининг анъанавий услуб, формаларда маълум шароитдаги конкрет кўринишидир».¹

Фольклоршунос Эргаш Очилов айнан бир хил кўшиқларнинг турли вариантлари мавжудлигини эътироф этади.² Қўшиқлардаги вариантлик масаласига яқиндан ёндошадиган бўлсак, уларнинг номи бир эмас, ҳатто айтилиш оҳанги, мисраларидаги айрим бандлар ҳам бир хил.

¹ Очилов Қ. Меҳнат кўшиқларининг яратилиши ва вариантлашуви. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 6-сон, 20-бет.

² Қаранг: ШОда-шода марварид. Сўзбоши. Э.Очилов. Т., 2006, 12-бет.

Лекин бу мазкур кўшиқлар битта кўшиқдан иборат дегани эмас, аксинча улар бир хил ном билан аталган кўшиқларнинг вариантларидир. Масалан, «Чорхўрозим» кўшиғини олиб кўрайлик. Бу кўшиқнинг бир неча вариантлари мавжуд. Чунончи, худди шу номдаги 3 та кўшиқ матнини кўздан кечирайлик. Уларнинг биринчи мисралари шундай сатрлар билан бошланган:

*Осмонга учирдим чорхўрозимни,
Ортидан юбордим хуморвозимни.
Оғам бўлиб кўтармайсиз нозимни,
Сабаб недур чақирганда галмайсиз?¹*

Лекин ҳар учала кўшиқнинг кейинги мисралари бутунлай бошқа сўзлар билан бошланади. Масалан:

*1.Кўйлақлар тикаман садафлар билан,
Токай ёлвораман адаблар билан?
Кўрган-билганигни баён этмасанг,
Мендан қутилмайсан бу гаплар билан.²*

*2. Орқа сочим ювдим ман-ўрганим йўқ,
Бугун уч кун бўлди-ёр кўрганим йўқ,
Айтадилар ёр кўрмаган ўлар деб,
Ёндим-да, куйдимда ман ўлганим йўқ.³*

Кўриниб турибдики, айрим сўзлар такрорлангани билан улар бир хил мавзудаги кўшиқлар эмас, аксинча, уларнинг вариантларидир.

«Дўст менга ишонма» кўшиқларининг ҳам бир неча хил вариантлари бор. Бу кўшиқларда:

*Дўст, менга ишонма-ё,
Ошнам хафа бўлади,-⁴*

деган икки қатор нақорат такрорланиб турса-да, улар бутунлай бошқа-бошқа кўшиқлардир.

Ушбу кўшиқларнинг ҳаммаси қуйидаги тўртлик билан бошланади:

Олмани отдим отганга,

¹ Шода-шода марварид. 103-бет.

² Ўша китоб, 102-бет.

³ Ўша китоб, 103-бет.

⁴ Ўша китоб, 104-бет

Салқин жойда ётганга.

Аччигингиз келмасин,

бир оғиз сўз айтганга.¹

Бироқ кўшиқларнинг кейинги қаторларида бутунлай бошқа фикрлар айтилади.

Масалан:

1. Олма гули нофарман-о, додай,

Излаб сани топарман.

Излаб сани топганда-ё,

Севгим изҳор этарман.²

2. Мен борай борганимча,

Енгимни солганимча.

Енгимни солган жойда

Очилсин гулу гунча.³

3. Ана, отингиз кўкмиди?

Кўк бедаси йўқмиди?

Бунча менга қарайсиз,

Уйланганингиз йўқмиди?⁴

4. Бизнинг боғда бир каклик, дод-ей,

Оёқлари пўпаклик.

Бизнинг ёрни сўрасанг,

Лаби ширин қўқонлик.⁵

Мисоллардан кўриниб турибдики, «Дўст менга ишонма» деб номланган 4 та кўшиқнинг мавзуси тўрт хил. Демак, бу кўшиқлар ҳам бир кўшиқнинг вариантдошларидир.

Куйидаги кўшиқни кўп эшитгансиз:

Мен сени хўп биламан:

Кўнглинг менга мойил эмас,

Ўлтириб зор йигласам,

Сендан мурод ҳосил эмас.

¹ Шода-шода марварид. 125-бет.

² Ўша китоб, 125-бет.

³ Ўша китоб, 126-бет.

⁴ Ўша китоб, 128-бет.

⁵ Ўша китоб, 129-бет.

*Кенг десанг, Қашқар кетай,
Йўлда ёлғизлик ёмон.
Ёлғизликдан ким ўлибдир,
Ҳаммадан хўрлик ёмон.¹*

Бу қўшиқ «Каримқулбеги» деб аталади. Худди шу ном билан аталувчи яна бир нечта қўшиқлар ҳам бор. Чунончи, уларнинг бири қуйидаги мисралар билан бошланади:

*Қўй келади қўзи билан,
Бир-бирининг изи билан.
Бир-бирининг изини кўр,
Ҳамсоянинг қизини кўр.
Аввалига бериб кўнгил,
Охирида нозини кўр.²*

Иккинчи эса:

*Дарёда балиқ, илон қувлаб келади,
От олдида, қўй кейинда маъраб келади.
Дарёларнинг ул юзида уйларингиз,
Оқариб ҳам кўринади бўйларингиз.
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз,
Бизлардан ҳам ортиқмиди, суйганингиз?³*

Мисоллар шуни кўрсатиб турибдики, бу учта қўшиқ уч хил мавзудаги қўшиқлардир. Уларнинг тузилиши ҳам уч хил. Биринчи мисолдаги қўшиқ 4 қаторли бўлиб, 8 сатрдан иборат. Иккинчи қўшиқнинг бошланиши 6 қатор, қолганлари 4 қатордан, учинчи қўшиқнинг бошланиши 2, кейингиси 4 ва охири 6 қатордан иборат. Уларнинг бўғин тузилиши ҳам ҳар хил. «Олма пишганда галинг» қўшиқларида:

*Олма пишганда галинг,
Тайина тушганда галинг.
Агар хаёл этсангиз,
Кўнгилга тушганда галинг,⁴*

¹ Шода-шода марварид. 142-бет.

² Ўша китоб, 142-бет.

³ Ўша китоб, 143-бет.

⁴ Шода-шода марварид. 152-бет.

деган нақоратлар бор. Ҳар икки қўшиқ:

Сув келади Оқтошдан,

Шерози тушиди бошдан.

Шерози тушса-тушсин,

Айрилма қора қошдан,¹-

деган тўртлик билан тугайди. Бироқ уларнинг биринчисида:

-Эсади боғининг шаомли,

Кўринади ёрнинг жамоли.

Ақлу ҳушимни олган

Оқ юзида доно холи,²

тарзидаги, иккинчисида:

Оқ олма, қизил олма,

Ўзгага назар солма.

Ўзгага назар солсанг,

Ўз билганингдан қолма,³-

тарзидаги тўртликлар мавжуд. Бу қўшиқларнинг пайдо бўлишига бири иккинчисига сабаб бўлган бўлиши табиий. Чунки одатда бир қўшиқ иккинчисининг қайта ишланишидан ва сайқалланишидан яратилган бўлиши табиий, албатта. Лекин халқ орасида бундай қўшиқларнинг ҳамма варианты ҳам қуйланиб келинмоқда.

«Азим дарё» қўшиғининг биринчи ва охириги қаторлари бир хил тўртликлар билан тугалланади.

Бошида:

Азим дарё эканман деб,

Давлатингга ишонма.

Бир кун келиб қурибон,

Оқмас дарё бўлурсан.⁴

Охирида ҳам шу тўртлик такрорланади. Лекин биринчи «Азим дарё» қўшиғи:

Шамчироқнинг ёнганидан,

Ёнмагани яхшироқ.

Бевафо ёр бўлганидан,

¹ Ўша китоб, 153-бет.

² Ўша китоб, 152-бет.

³ Ўша китоб, 153-бет.

⁴ Шода-шоода марварид. 158-бет.

Бўлмагани яхишироқ,¹

иккинчи қўшиқ:

Ёшликда мағрурланиб,

Чиройингга ишонма.

Бир кун чирой кетибон,

Қуруқ савдо бўлурсан-о, алам-о!²

сатрлари билан давом этади. Лекин ҳар икки қўшиқ учун юқорида айтиб ўтилган тўртликлар характерлидир. Лекин «Азим дарё» қўшиқларининг ҳар иккисида бошқа-бошқа мавзулар қаламга олинган.

Халқ орасида машҳур бўлган «Тановар» қўшиғининг ҳам бир нечта вариантлари мавжуд. Лекин уларнинг куйида ва сўзларида анчагина фарқлар бор.

Масалан, биринчи «Тановар» қўшиғи ҳам, иккинчис ҳам куйидаги сатрлар билан якунланади.

Томга пиёз эксам, ўсаман, дейди,

Ёрга бино қўйсам, кетаман, дейди.

Кетма, жоним, кетма, жоним берайин,

Тилимнинг учидан новвот берайин.

Ошнам, десам, бегонага ўхшар.³

Лекин иккинчи «Тановар» қўшиғида улардан айрим сўзлардаги ҳарфлар ўзгартирилган, яъни «ўсоман», «кетоман», «беройин» тарзида келади. Охирги «Ошнам» деб бошланувчи қатор ўрнида эса «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур, ёр-ёр-о» деб ўзгартирилган.

Бу қўшиқларнинг бошланиши ҳам бир-бирига ўхшайди:

Қора сочим ўсиб, қошимга тушиди,

Не савдолар менинг бошимга тушиди.

Тушанмас савдони солди бошимга,

Тушман экан, огу қўшди ошимга.

Ошнам, десам, бегонага ўхшар.⁴

Иккинчи «Тановар»даги:

¹ Ўша китоб, 158-бет.

² Ўша китоб, 159-бет.

³ Шода-шода марварид. 176-бет.

⁴ Ўша китоб, 176-бет.

*Қора сочим ўсиб, қошимга тушиди,
Не савдолар менинг бошимга тушиди, ёр-ёр-о,
Сенинг ишиқинг менга қайдин ёпишиди, ёр-ёр-о,
Танамдан ўт чиқиб, бағрим тутошиди, ёр-ёр-о.
Ўзинг олно, дилинг бегоналарда, ёр-ёр-о.¹*

сатрлари бу кўшиқлар вариантдош кўшиқлар эканлигини исботлайди.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари асосида тўй сахнаси бор. Унда халқимизнинг сеvimли «Омон ёр» кўшиғи ижро этилади:

*Эшик олди гулҳовуз, омон ёр,
Гул тергани келганмиз, омон ёр.*

Бир қатор «Омон ёр» кўшиқларида меҳнат қуролари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тилга олинган:

*Сувга солсам тўғонни, омон ёр,
Ошиб ўтоман, дейди, омон ёр.
Ёрга берсам кўнгилни, омон ёр,
Ташлаб кетоман дейди, омон ёр.*

*Эшик олди мошпоя, омон ёр,
Барги бошимга соя, омон ёр,
Имлаганим билмадинг, омон ёр,
Чақирганим чикора, омон ёр.*

*Тошга сепдим седана, омон ёр,
Териб есин бедана, омон ёр.
Беданани товуши, омон ёр,
Кийдим, Кўқон ковуши, омон ёр²*

Булардан кўриниб турибидки, мазкур кўшиқ меҳнат кўшиқлари сирасида яратилган. Шунингдек, кўшиқда халқимизнинг деҳқончилик билан шуғуллангани ҳам ўз аксини топган. Кўшиқда жой номи «Кўқон ковуши» тарзида берилган.

Айрим «Омон ёр» кўшиқларида адабий мавзу-севги мавзуси қуйланади:

*Сув келар гулдур-гулдур,
Севганим қизил гулдур,*

¹ Ўша китоб, 176-бет.

² Шода-шода марварид. 177-бет.

*Айланай, кимнинг ёрисан,
бўйларингдан¹*

«Чаманда гул» деб номланувчи қўшиқларнинг ҳам вариантлари учрайди.

Масалан:

*Чаманда гул очилибди,
Чаккангга тоқ, чаккангга.
Икки кўзи хумори-я,
Ёрингга боқ, ёрингга.*

*Тутга чиқиб, тут қоқдим-а,
Йигитларни есин, деб
Юпқа кўйлакни кийдим-а,
Оқ баданим кўрсин, деб.²*

(«Чаманда гул-1» қўшиғидан)

*Чаманда гул очилибди-я, чаккангга тақ, чаккангга,
Ёрим кетаман, дейди, кетгизгани кўймайман.*

*Чаманда гул очилибди-я, чаккангга тақ, чаккангга,
Йўлларига чим босиб, ўткизгани кўймайман.³*

(«Чаманда гул-2» қўшиғидан)

«Чаманда гул» деб номланган бу қўшиқлар бир-биридан вазн хусусиятларига кўра фарқ қилади. Уларнинг биринчиси бармоқ вазнида бўлса, иккинчиси аруз вазнига асосланган.

Қуйидаги ҳазил қўшиқ «Қилпиллама» ҳазил қўшиғини эслатади. Лекин бу қўшиқнинг номи «Ҳаккалакам ўйнасам мен» бўлиб, қўшиқ қуйидагича бошланади:

*Вой-ей, дод-ей,
Қошинг ўсмадаккина,
Белинг тасмадаккина.
Влй-ей, дод-ей!
Мен сени жувон десам,
Қилигинг қиздаккина.⁴*

¹ Ўша китоб, 187-бет.

² Шода-шоода марварид. 188-бет.

³ Ўша китоб, 189-бет.

⁴ Шода-шоода марварид. 190-бет.

Худди шу номдаги иккинчи қўшиқ эса қуйидаги тўртлик билан бошланган:

Қошингни қаро қилган

Богдаги барра ўсма.

Кўнглингни шайдо қилган

Олдингда бели тасма.¹

Бу «Ҳаккалакам ўйнасам мен» деб номланган қўшиқда қуйидаги нақорат такрорланиб келади:

Ҳаккалакам ўйнасам ман,

Дуккалакам ўйнасам ман,

вой-дод-ей,

Ёрим жавоб берсалар,

Тўйларда ўйнасам ман.²

Балки мана шу нақорат туфайли мазкур қўшиқ «Ҳаккалакам ўйнасам ман» деб номланувчи қўшиқлар гуруҳига киритилган бўлса керак.

Халқ ичида севиб айтиладиган «Воҳ-воҳ, тўрам» қўшиғи машҳур. Унда қуйидаги сатрлар бор:

Воҳ-воҳ, тўрам, босманг жамалагимни,

Жоним ёрим, қўйворинг билагимни.

Эшигиндан мен ўтаман ой бўлиб,

Ковушингга ёпишаман лой бўлиб,

Ковушингга ёпишмасам лой бўлиб,

Ёнгинангда ўлтираман ёр бўлиб.

Воҳ-воҳ, тўрам, босманг жамалагимни,

Жоним ёрим, қўйворинг билагимни.³

Қўшиқ шу тарика давом этади. Бу қўшиқнинг яна бир нечта вариантлари бор.

Масалан:

Тогда арча минг йил умр кўради,

Шохи синса, заргар тилло қилади.

Заргарнинг қилгани тилло бўларми,

¹ Ўша китоб, 192-бет.

² Ўша китоб, 192-бет.

³ Шода-шода марварид. 195бет.

Билиб берган кўнгул жудо бўларми?

*Воҳ-воҳ, тўрам, босманг жамалагимни,
Жон жўражон, ушланган оқ билагимни.¹*

(«Воҳ-воҳ, тўрам»-1 кўшиғидан)

*Зар кокилим зарангчага илинди,
Бўрбай гўштим чақамуққа тилинди.
Жон озритиб сочгинамни тортасиз,
Суймасангиз ана шундай билинди.*

*Воҳ-воҳ, тўрам, тортманг жамалагимни,
Бекорга тортасиз зар кокилимни.²*

Бу кўшиқларни «соч» яъни «жамалак» воситаси бирлаштирган бўлиши шубҳасиз. Чунки кўшиқларнинг ҳамма вариантыда «жалак» билан боғлиқ сўзлардан иборат сатрлар қайта-қайта такрорланади. Акс ҳолда бу кўшиқлар бир вариантдаги кўшиқлар гуруҳига киритилмаган бўларди.

Халқ кўшиқлари юқорида айтиб ўтганимиздек, баъзилар бир хил номда, сўзлари ҳам бир хил иборалардан иборат. Буни «Лолача» кўшиқларида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, ҳар икки кўшиқ ҳам қуйидаги тўртлик билан бошланади:

*Лолачада ишим бор, ҳей лола,
Киссамда киимишим бор, ҳей лола.
Киимишим бўлса майлига, ҳей лола,
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.³*

Биринчи «Лолача-1» кўшиғи қуйидаги тўртлик билан бошланади:

*Том устида нелар бор, ҳей лола?
Ўрдак билан гозлар бор, ҳей лола.
Ўрдак кетиб, гоз қолсин, ҳей лола,
Душман кетиб, дўст қолсин, ҳей лола.⁴*

Иккинчи «Лолача-2» кўшиғида бундай ҳар хил термалар йўқ. Аксинча, унда Лола исмли қиз ва гул тўри-лола сўз ўйини орқали ифодаланади:

¹ Ўша китоб, 193-бет.

² Ўша китоб, 194-бет.

³ Шода-шоода марварид. 198-бет.

⁴ Ўша китоб, 198-бет.

*Лола ўзиқиз бола, ҳей лола,
Қирда ўсган бўз бола, ҳей лола,
Лолачани кўрганда, ҳей лола,
Танлаб-танлаб уз, бола, ҳей лола.¹*

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, халқ бир кўшиқдан ижодий фойдаланиб, унинг гўзал вариантыни яратган ва халқ дардоналари хазинасини янги-янги кўшиқлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшганлар.

*Оқ, ойдин кечалар,
Оптоқ ойдин кечалар.
Сунбулу райҳон бурайди
Ёр юрган кўчалар.*

*Ёр брган кўчаларни
Супурай сочим билан.
Чангги чиқса, сув сепай
Кўздаги ёшим билан.²*

«Оқ, ойдин кечалар» деб номланган кўшиқларнинг ҳар иккиси худди мана шу тўртликлар билан бошланади. Сўнгра биринчи кўшиқ:

*Субҳидамда сувга чиқсам,
Оҳ уради бир йигит.
Ўлтириб тутсам қулоғим,
Ёрдан айрилган йигит,³*

сатрлари билан алмашади. Иккинчи кўшиқ эса:

*Чиқ, чиқ, чиқа қол, чиқ, чиқ,
Ёрим, чиқа қол, чиқ, чиқ.
Боришингни бозда кўрдим,
Келишингни кўчада.
Арзи ҳол айтай, десам,
УЧрамадинг тор кўчада,⁴*

¹ Ўша китоб, 198-бет.

² Шода-шода марварид.222-бет.

³ Ўша китоб, 222-бет.

⁴ Ўша китоб, 223-бет.

тарзида давом эттирилади. Бу ҳар икки кўшиқ ҳам битта кўшиқнинг ҳар хил кўринишидаги вариантларидандир.

Халқ кўшиқларидаги вариантлик масаласига оид фикр-мулоҳазаларимизни куйидаги мисоллар орқали давом эттирмақчимиз. Мисолларни тартиб рақами билан белгилаймиз.

1. Қизил гуллар очилар-у, сўлмими?

Ошиқ бўлган ваъдасида турмими?

Тўғри сўзла-менга кўнглинг урмими?

Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?¹

2. Юрагим ўртаниб, этм дирлайди,

Меннан ўтган ҳолни ҳеч ким билмайди.

Меннан ўтган ҳолни эшитган, билган,

Алларига рўмол олиб йиғлайди.

Ман нанинг ҳайрони-шунинг ҳайрони,

Қараб турган қора кўзнинг гирёни.²

3. Ҳар кимнинг муроди худойми бергай,

Мани ёзгоргоннинг олдина галгай.

Уч кун бўлди-сўзлашмиди қор атиб,

Бир дуо айланглар: раҳмон солгай.

Ман нанинг ҳайрони-шунинг ҳайрони,

Қора гўзли севар ёрнинг ҳайрони.³

Ҳар учада мисол «Ман нанинг ҳайрони» деб номланган 3 та кўшиқдан олинган. Вариантдош бўлган ушбу кўшиқларнинг биринчиси 4 қатордан, кейингилари эса 6 қаторли мисралардан тузилган. Уларда «Ман нанинг ҳайрони» деб аталувчи бирикма ҳукмрон. Мана шу хусусият бу кўшиқлар бир хил характердаги, лекин бошқа-бошқа мавзулар қаламга олинган вариантдош кўшиқларни ташкил этган. Демак, бир хил вариантдаги кўшиқлар бир-биридан шеър тузилиши, бандларнинг хилма-хил бўлиши, мавзузи билан ҳам фарқ қилиши мумкин экан.

¹ Ўша китоб, 262-бет.

² Ўша китоб, 163-бет.

³ Ўша китоб, 163-бет.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, айнан бир хил қўшиқлар турли оҳангларда ижро этилиши табиий. Уларда гулга, анжир, рўмол каби нарсаларга мурожаат қилинади. Улар воситасида чиройли ташбеҳ ва истиоралар яратилганки, бу қўшиқларнинг таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилади. Масалан, «Ўйнанг, дўстлар» қўшиғида «атиргул» билан боғлиқ шундай сатрлар бор:

*Атиргул сўлгонига йиглайман,
Юрак-бағрим тўлгонига йиглайман.
Маҳаллада шунча йигитлар туриб,
Бегонага борганига йиглайман.*

*Атиргул айтади: очиламан деб,
Яхшиларнинг чеккасига санчиламан деб.
Яхшиларнинг чеккасига санчилиб олиб,
Ёмонларнинг оёғида янчиламан деб.*

*Атиргул очилар-гули гунча,
Акажоним, шошмай туринг очилгунимча.
Акажоним, шошмасангиз очилгунимча,
Хизматингизда бўлай то ўлгунимча.¹*

Иккинчи «Ўйнанг дўстлар» қўшиғидан олинган ушбу парчаларга эътибор қаратайлик:

*Қизил гул очилиб, қилди нишона,
Сенинг ишқинг мени қилди девона.
Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди,
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди.*

*Қошингнинг қораси айлона келган,
Анжирнинг тағида рўпара келган.
Анжирнинг сояси, сойнинг булоғи,
Бунча ширин экан ёрнинг фироғи.*

*Рўмолим учига шакар бойладим,
Юрак билан юракни қўшиб бойладим.*

¹ Шода-шода марварид. 296-бет.

*Юрак билан юракнинг фарқи бор экан,
Сизга кўнгил берганнинг бахти бор экан.¹*

Кўришиб турибдики, иккинчи «Ўйнанг, дўстлар» кўшиғи термалардан иборат. Бирок ҳар икки «Ўйнанг, дўстлар» кўшиғи бир хил нақорат билан бошланади:

Ўйнанг, дўстлар, ўйнанг,

Кўрголи келдик.

Сизлар билан даврон

Сурголи келдик.²

Худди мана шу нақорат бу кўшиқларнинг вариантлилигини таъминлашга хизмат қилган. Ҳар икки кўшиқ вазни ҳам ниҳоятда ўйноқи ва жозибали. Энг муҳими ҳар икки кўшиқда самимият яққол сезилиб турибди. Бир-бирини ёқтирган кишилар ўртасидаги самимият эса муҳаббатга айланади. Демак, халқ кўшиқларини яратувчилар масаланинг мана шу томонини ҳам ҳисобга олганлар. Булардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар бир кўшиқнинг варианты унинг бошқа қирраларини очишга хизмат қилади. Қўшиқлардаги вариантlilik масаласи ҳам фольклоршунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир.

¹ Шода-шоода марварид. 295-бет.

² Ўша китоб, 295-бет.

III-боб Халқ кўшиқларининг бадиий хусусиятлари

Асрларни бўйлаб келаётган халқ кўшиқлари ўзининг гўзал шакли, теран мазмуни, чуқур фалсафаси билан ҳамиша тингловчини ҳайратга солиб келади. Халқ кўшиқларидаги содаллик ва равонлик, жозиба ва жарангдорлик, табиийлик ва самимийлик сўз усталари учун мудом етиб бўлмас юксаклик бўлиб келган. Халқ ўз фикрларини доимо қисқа ва лўнда, туйғуларини аниқ ва тиниқ, айна пайтда гўзал ва таъсирчан ифодалайди. У айтмоқчи бўлган гапини гоҳ-гоҳ қават-қават маъно пардасига ўраса, гоҳ жуда содда қилиб ифодалаб кўя қолади. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам у ўз жлзибаси ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Куй бўлиб, оҳанг бўлиб юракларнинг туб-тубига етиб боради. Киши руҳиятига ажиб бир теранлик, илиқлик бахш этади, қалбингиздаги дардларингизни аритади. Чунончи:

***Оқ олма, қизил олма пишмайдикан,
Икки яхши бир ерга тушмайдикан.
Икки яхши бир ерга тушиб қолса,
Бу дунёдан ўтганин билмайдикан?¹***

Бир дарахтда ҳам оқ, ҳам қизил олма пишмаганидек, икки яхши ҳаётда камдан-кам бирга бўлади. Ҳаётда асосан икки ёрти-бир бутун қондаси устувор. Мабодо икки яхши бир ерга тушиб қолса, умрининг қандай ўтганини ҳам билмай қолади. Бу теран ҳаётини фалсафани халқ ана шундай содда ва таъсирчан мисраларда ифодалайди. «Халқ орасида асрлар оша оғиздан-оғизга, наслдан-наслга кўчиб пишган, халқ донолиги сингиб, сиқилмаган бундай кўшиқларда ҳар бир сўз, ҳар бир деталь алоҳида аҳамиятга эгадир»²

Халқ кўшиқларида кўпинча қуйидагича содда ва аниқ қиёслар, ташбеҳларни кўрамиз:

***Яхши билан ўйнашсанг, кўнглинг бозор,
Ёмон билан ўйнашсанг, кўнглинг озар.³***
Ёки:
***Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани?
Мен ёмондан айрилиб, яхшини топганинг қани?***

¹ Оқ олма, қизил олма (Ўзбек халқ кўшиқлари)

Тўпловчи Музайяна Алавия. Т., 1972, 170-бет.

² Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. Т., 1959, 9-бет.

³ Оқ олма, қизил олма (Ўзбек халқ кўшиқлари). Т., 1972, 161-бет.

Бевафо деб англадим, бағримга тошлар боғладим,

Бевафо сен ёр учун тун-кечалар қон йигладим.¹

«Хуморим» кўшиғидаги қуйидаги ташбеҳ ҳам жуда чиройли ифодаланган:

Сен менинг хуморимсан,

Бўйнимда тулпоримсан.

Қоронғу кечаларда

Ёндирган чирогимсан.²

Халқ кўшиқлари ижросида ранг-баранглик мавжуд: бу ҳар бир санъаткорнинг халқ терма тўртликларидан ўз дидига мос, дардига ҳамоҳанглариани танлаб олиб, кўшиқ матнини шакллантиришга боғлиқ. «Халқ кўшиқлари мустақил тўртликлар шаклида яратилсалар ҳам, бироқ улар алоҳида ҳолида кишилар дилидан кечинма ва туйғуларни бутун мураккаблиги, давомийлиги билан ифодалай олмайдилар. Шунинг учун кўшиқчилар турли-туман кечинмаларни ифодаловчи тўртликларига уйғунликда улаб, ягона бадий мантиқ асосида мураккаб кечинма ҳамда туйғуларни тўла қамраб олувчи занжирли кўшиқлар яратадилар».³ Масалан, «Ўзганча», «Фарғонача» кўшиқлари ранг-баранг тўртликлар шодасидан ташкил топган.

Кўпгина машҳур тўртликлар бир неча ўнлаб кўшиқлар таркибида келади. Чунончи, қуйидаги тўртилик ҳам «Ўзганча», ҳам «Тановар», ҳам «Менинг борар ерим ўшал Наманган», ҳам «Бевафо ёр» қуйи билан ижро этилади:

Сени-унда, мени-бунда яратди,

Ўртамизда оқар дарё яратди.

Оқар дарё экан-оқди-ю кетди,

Бевафо ёр экан-ташлади-кетди.⁴

Ёки «Ёрим кетаман, дейди,

Кетгани қўймайман.

Йўлларига чим босиб,

Ўтгани қўймайман.⁵

(«Ўргилай» кўшиғидан)

¹ Шода-шода марварид (Ўзбек халқ кўшиқлари). Т., 2006, 31-бет.

² Ўша китоб, 134-бет.

³ Носиров Р. Халқ кўшиқларининг занжирли композицияси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002 йил, 3-сон, 32-бет.

⁴ Оқ олма, қизил олма 90-бет.

⁵ Шода-шода марварид, 47-бет.

*Ёрим кетаман, дейди,
Кетгизгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб,
Ўткизгани қўймайман.¹*

(«Ёрим кетаман, дейди» қўшиғидан)

Шунингдек, «олма пишганда галинг-1» ва «Олма пишганда галинг-2» қўшиқларида ҳам ана шундай такрорлар учрайди:

*Олма пишганда галинг,
Тайина тушганда галинг.
Агар хаёл этсангиз,
Кўнгилга тушганда галинг.²*

(«Олма пишганда галинг-1» қўшиғидан)

*Олма пишганда галинг,
Тагига тушганда галинг.
Энса сочим жамалак,
Белима тушганда галинг.³*

Баъзи бир қўшиқлар айнан бир хил бошланса-да («Лолача» ва «Лолачага ишим бор», «Сув келар гулдур-гулдур», «Ёримга бино қўйдим» ва ҳоказо, кейинги бандлари тамомила бошқача. Масалан:

*Том устида нелар бор, ҳей лола?
Ўрдак билан гозлар бор, ҳей лола.
Ўрдак кетиб, гоз қолсин, ҳей лола,
Душман кетиб, дўст қолсин, ҳей лола.⁴*

(«Лолача-1» қўшиғидан)

*Лола, ўзи қиз бола, ҳей лола,
Қирда ўсган бўз бола, ҳей лола,
Лолачани кўрганда, ҳей лола,
Танлаб-танлаб ўз, бола, ҳей лола.⁵*

¹ Ўша китоб, 74-бет.

² Ўша китоб, 152-бет.

³ Ўша китоб, 153-бет

⁴ Шода-шода марварид, 198-бет.

⁵ Ўша китоб, 198-бет.

Иккинчи тўртликда сўз ўйини ҳам қўлланган. Чунончи, лола-гул тури, Лола-қиз боланинг исми.

«Сув келар гулдур-гулдур» ва «Ёримга бино қўйдим» қўшиқлари қуйидаги бир хил тўртлик билан бошланади:

*Сув келар гулдур-гулдур,
Суйганим қизил гулдир.
Суйганим топилмаса,
Ўлганим ўшал кундир.*

Лекин ҳар иккала қўшиқнинг кейинги мисралари бутунлай бошқа-бошқа:

*Сув айланиб оқмайди,
Ёр қайрилиб боқмайди.
Ёр қайрилиб боққанда,
Бир қилиги ёқмайди.¹*

(«Сув келар гулдур-гулдур» қўшиғидан)

*Ариқ бўйини ўйдим,
Гулзорларга сув қўйдим.
Ота-онадан кечиб,
Ёримга бино қўйдим.²*

Баъзан эса аксинча: қўшиқлар ҳар хил бошланиб, айнан бир хил тўртлик билан тугайди. Баъзи бир қўшиқларнинг матни деярли бир хил бўлиб, турли куйларга солиб куйланган (масалан, «Қора сочим» ва «Тановар»). Масалан, «Қора сочим, «Тановар-1», «Тановар-2» қўшиқларининг охирида қуйидаги тўртлик такрорланади:

*Томга пиёз эксам-ўсомон, дейди,
Ёрга бино қўйсам-кетоман дейди.
Кетма, ёрим, кетма, жоним беройин,
Тилимнинг учида новвот беройин.*

Баъзи қўшиқларнинг фақат бир банди такрор бўлса, айримларининг фақат бир банди янги. Кўпинча бир тўртлик асос қилиб олиниб, унинг боши ва охиридаги тўртликлар ўзгартирилган.

Ўзбек халқ қўшиқларида тажохули ориф санъатидан ҳам фойдаланилган ҳолатлар учрайди. «Билиб туриб билмасликка олиш» маъносини ифодаловчи ушбу шеърий санъат мисраларда акс эттириляётган бирон образли иборани аниқ айтмасдан ўзини билиб

¹ Ўша китоб, 216-бет.

² Ўша китоб, 244-бет

билмасликка олгандек кўрсатишини назарда тутлади. Тажоҳули ориф кўлланган ҳолларда кўпинча маҳбуба қиёфаси қиёсий ҳолда тасвирланади, бир ёки бир неча нарсага ўхшатилади, лекин узил-кесил фикрилмайди. Таърифловчининг ўзининг билиб билмасликка солиши шартли бўлиб, асл мақсад таъриф ёки тасвирлаш, ёр қиёфасини муболағали тарзда гавдалантиришдан иборат бўлади. Масалан:

Тогдаарча минг йил умр кўрарми?

Шохи синса, заргар кумуш қиларми?

Заргарнинг қилгани кумуш бўларми?

Билиб берган кўнгил жудо бўларми?

Сен гўзални излаб, чўлларни кездим,

Ўшал кезган чўллар бўстон эмасми?

Сенинг жонинг менинг жоним эмасми?

Менинг жоним сенга қурбон эмасми?¹

Ёки:

Ҳей, кўзи мастон пари,

Айт менга кимнинг ёрисан?

Кокилинг бўйнимдадир,

Мендек ошиқнинг дорисан.²

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Халқ кўшиқларидаги изтироблар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Изтироб арабча сўз бўлиб, «бирон нарсани омонатга (вақтинча) олмоқ» деган маънони ифодалаб, адабий асарда, жумладан, халқ кўшиқларида ҳам сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроғи уни ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш санъати саналади. Кўпинча бу икки маъно ўзаро ўхшашликка асосланади. Шу жиҳатдан истиора ташбеҳ санъатига яқин туради. Истиробга аксар ҳолларда ташбеҳи кинояга, яъни мушаббихи туширилган ташбеҳга тенг елади. Масалан, «Қизил гул» кўшиғидан олинган қуйидаги сатрларга эътибор қаратайлик:

Эшик очиб тўрга боқсам,

Тўрда бир ой ўлтирур.

Қошлари қийғоч қаламдек,

Ғамзаси жон ўлдирур³

¹ Шода-шоода марварид, 28-бет.

² Ўша китоб, 89-бет.

³ Ўша китоб, 77-бет.

Бу ердаги «ой» сўзи осмондаги ой эмас, балки севикли ёр маъносида қўлланган. Ёрини ойга ўхшатиш «Боққа кирдим бормоққа» кўшиғида ҳам учрайди. Масалан:

Шафтоли пишиди, тўкилди,

Егиси келмасмикин?

Ойдек тўлин ой юзимни

*Кўргиси келмасмикин?*¹

«Ўйнанг ёр» кўшиғида эса ёр аноргулнинг норига қиёсланади:

Ёр богида очилган

Аноргулнинг нориман.

Чор тарафга йўл солган

*Бевафонинг ёриман.*²

Маълум, муболаға араб тилида «катталаштириш», «кучайтириш» маъносини билдириб, адабий асарда тасвирланаётган бадий тимсол ҳолати ёки ҳаракатини бўрттириб, кучайтириб ифодалаш санъати демакдир. Бу хил тасвирда бадий тимсол хусусиятлари яққолроқ намоён бўлади, ўқувчи кўз олдида ёрқинроқ гавдаланади.

Чунончи, «Сунбула» кўшиғидаги қуйидаги тўртликни таҳлил қилиб кўрайлик:

Мен бу ерд ўт ёқсам,

Фарғонада тутуни.

Бу дунёда бормикин,

Юрак-бағри бутуни?

*Қадамингга гуллар оўчилсин!*³

Бихз яхши биламизки, аслида биз ўт ёқаётган жойнинг ўзидан тутун чиқади. Қўшиқда қўлланганича эса, унинг тутуни Фарғонадан кўринади. Албатта бу ақлга сиғмайдиган гап. Боиси орада қанча-қанча масофалар бор. «Лоф ҳам эви билан-да» дегингиз келади. Лекин ўқувчи кўшиқда куйланган бу сатрларга ишонади. Ошиқнинг куйиб-ёнишлари ҳадданзиёд эканига ишонч ҳосил қилади. Ошиқнинг ҳолига ачинади.

Ёки:

Богинг ичра ўрик бўлиб гуллайман,

Шохларида булбул бўлиб сайрайман.

Булбулмикан гул шохини қайирган?

¹ Шода-шода марварид, 131-бет.

² Ўша китоб, 141-бет.

³ Ўша китоб, 15-бет.

Душман бўлар ёрдан ёрни айирган!¹

деган «Юрагимда оти бор» кўшиқдан олинган ушбу парчада қўлланган муболағаларни олиб кўрайлик. Ҳеч қачон одам ўриққа айланиб гуллаганми? Ёки ўша ўриқнинг шохларида булбул бўлиб сайраганми? Албатта бу саволга ҳатто ёш бола ҳам «йўқ» дея жавоб беради. Бироқ кўшиқда қўлланган воқеа ишонарсиз ва ақлга сиғмайдиган тарзда бўлса ҳам биз бунга ишонамиз. Боиси халқ кўшиғида қўлланган муболаға унинг таъсирчанлигини ошириб, образлилигини янадакуйчайтиришга хизмат қилган.

Кўчани сочлари билан супуриб, чанги чиқса кўздаги ёши билан сув сепганини кўрганмисиз? Бироқ «Қаландар-III» кўшиғидаги қуйидаги гўзал сатрлар неча минг йиллардан буён халқ тилида куйланиб келинмоқда:

Ёр юрган кўчаларни

Супурай сочим билан.

Чанги чиқса сув сепай

Кўзимдаги ёшим билан.

Бу кўшиқнинг сўзлари шууримизга шунчалар сингиб кетганки, ундаги муболағали тасвир ҳаёлимизга ҳам келмайди. Китобхоннинг энсасини қотириб, ғашига ҳам тегмайди. Аксинча, ундаги дард сизнинг қалбингизга ҳам кўчади.

Ўлдиради мани қизгина,

Ноз ила, ишва билан.

Куйдиради мани қизгина,

Жоним олоди қизгина,

Ноз ила, ишва билан.²

«Кимнинг ёрисан?» кўшиғидан олинган ушбу мисолни ўқиб, бу ошиқнинг ёри бўлган қиз қотил экан, ёрини ўлдирар экан ва ўт ёқиб куйдирар экан, деган фикрга бормасиз. Чунки бу ерда қўлланган муболаға санъати унинг маъносини янада кучайтиришга хизмат қилган.

Меҳнат кўшиқларида турли ҳайвонларни ва иш қуролларини эркалаш, уларга мурожаат қилиш, уларни жонлантириш хусусияти етакчилик қилади:

Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда, майда-ё, майда,

Қалқон қулогим ҳайда, майда-ё, майда.

Темир тўғим ҳайда, майда-ё, майда,

Хирмонни қилгин майда, майда-ё, майда.

¹ Шода-шода марварид, 35-бет.

² Шода-шода марварид, 89-бет.

*Майдалар қил кўрайлик, майда-ё, майда,
Шохингга гуллар тақайлик, майда-ё, майда.
Шохингдаги гулларни, майда-ё, майда,
Яхшиликка кўрайлик, майда-ё, майда.¹*

Меҳнат кўшиқларининг тили содда, куйи енгил фикрни ифодалаш усули оддий бўлиб, асосий мақсад иш фаолиятини осонлаштириш, кўшиқ айтувчи шахс руҳий холатини кўтаришга қаратилган бўлади.

Одатда тўйларда ёр-ёрлар айтилади

Масалан:

Оқ милтиқ, қора милтиқ

Отган отам ёр-ёр.

Ўз қизини ёт қилиб

Сотган отам ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни

Саккиз денглар ёр-ёр.

Саккиз қизнинг сардори

Келди денглар, ёр-ёр.²

Ёки куйидаги тўртликка эътибор беринг:

Узоққа борган қизнинг

Ранги сариқ, ёр-ёр.

Кўздан оққан ёши

Мисли ариқ, ёр-ёр.

Ёки:

Осмондаги юлдузни

Отган отам, ёр-ёр

Ўз қизини танитай,

Сотган отам ёр-ёр.

Ўз қизининг ўрнига,

¹ Ўзбек фольклори очерклари. Т., «Фан», 1988, 233-бет.

² Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. //улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 2000, 83-бет.

Бодом эскин ёр-ёр.

Бодом шохи қайрилса,

Болам десин, ёр-ёр.¹

Аммо бевосита тўйнинг ўтказилиши шарофатини кўз олдимизга келтирсак, чор-атрофда ўйин-кулгуларга эътиборнинг кучлилигини назарда тутсак, юқоридаги қўшиқларда акс эттирилган қайғу-аламлар тўй иштирокчиларига у қадар катта таъсир кўрсатмаслиги ҳам ўз-ўзидан равшан бўлади. Маросим қўшиқларидаги ёр-ёрлар бир қатор бадий жихатдан мукамаллиги билан ажралиб туради. Хусусан, бу қўшиқларда параллелизм тасвир санъатининг намоён бўлиши кўпроқ учрайди. Параллелизм деганда, тасвирланаётган бир воқеа-ҳодисани иккинчи бир воқеа-ҳодисага қиёслаш назарда тутилади.

Масалан:

Токчадаги қайчини

Занг босибди ёр-ёр.

Янги тушган келинни

Ғам босибди ёр-ёр.

Ёки:

Тогда тойчоқ кишнайди,

От бўлдим деб, ёр-ёр.

Уйда келин йиглайди,

Ёт бўлдим деб, ёр-ёр.

Юқоридаги мисолларда токчадаги қайчининг занг босиши билан келиннинг ғам босиши, тойчоқнинг от бўлиб кишнаши билан қизнинг ўз оиласидан ёт бўлиб кетиши қиёслангандир.

Бундай тасвир санъати параллелизм ҳисобланади.

Агар бошқа мавзудаги қўшиқлар, баъзан уч (келин саломлар), олти ва саккиз мисралардан иборат бўлса, ишқий мазмундаги лирик қўшиқлар тўрт мисрадан ташкил топади.

Биз назарда тутаётган лирик қўшиқлар асосан тўрт мисрада тугал фикр англатиш имкониятига эгадир.

Қизил гул очилиб, қилди нишона,

Сенинг ишқинг мени қилди девона.

Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди?

¹ Ўша китоб, 81-бет.

*Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди.*¹

Аммо лирик кўшиқлар қаторида бир неча бандлардан иборат бўлган асар намуналари ҳам ўрин олгандир. «Галдир», «Сунбула», «Омон ёр» каби кўшиқлар шулар жумласидан ҳисобланади.

Масалан, «Сунбула» кўшиғи 5 мисрадан иборат:

Сунбула-ю, сунбула,

Ўраб олай гул билан.

Менинг кўнглим сен билан-о,

Сен кетасан ким билан?

*Қадамингга гуллар очилсин!*²

«Омон ёр-2» кўшиғи ҳам 4 ва 5 мисралардан иборат:

Жон укам, андижонлик укам, омон ёр,

Юзингдаги холингдан укам, омон ёр,

Жон укам, асакалик укам, омон ёр,

Тилингдаги болингдан, омон ёр,

Сенинг ширин сўзингдан, омон ёр.

Гул очилса на бўлур, омон ёр,

Барг сочилса на бўлур, омон ёр.

Биздан ўтса бир гуноҳ, омон ёр,

*Ёр кечирса на бўлур, омон ёр.*³

«Гулёр-2» кўшиғи ҳам 5 мисрадан иборат:

Гулёр айтган тилингда,

Чаккангдаги гулингдан.

Опагинанг айлансин

Сарвиқомат бўйингдан.

*Гулёрахон, жўралар-ей, гулёр.*⁴

¹ Шода-шода марварид, 32-бет.

² Ўша китоб, 15-бет.

³ Ўша китоб, 178-бет.

⁴ Шода-шода марварид, 183-бет.

Халқ кўшиқлари асосан шеъриятнинг бармоқ вазнида тўқилган. Бармоқ вазнидаги шеърларда мисрадаги бўғинлар сони асосин шеърий ўлчов бўлиб қолади. Масалан, биринчи тўртликдаги 1 ва 3 мисралари 8 бўғиндан, 2 ва 4 мисралари 7 бўғиндан иборат.

Масалан:

Қизил гул тагида ётсам,

Отингни қамчилаб ўтдинг.

Гапинг борми-дилинг бирлан

Юракка чўғ солиб ўтдинг.¹

(«Қизил гул тагида» кўшиғидан)

Ака, тўнлиз беқасам,

Ёқасига гул солсам.

Ёқасига гул солиб,

Олдингизда ўйнасам.²

(«Чинор-чинорим» кўшиғидан)

Аммо баъзан аруз вазнида тўқилган кўшиқлар ҳам учрайди. Аруз вазнидаги шеърий мисраларда чўзиқ (ёпик) ва қисқа (очик) ҳижо (бўғин)лар маълум тартибда олдинмакейин келади. Қуйидаги парчага эътибор беринг:

Чархгинам сарпараси саккиз тугун,

Саккизой кетган оғам келсин бугун.

Бу мисралар аруз вазнининг рамали мусаддаси маҳзуф баҳрида айтилган.

Шунингдек, «Ҳай, ёр-ёр, айланай», «Бўлсам», «Даврон сурайлик», «Гиря», «Гунинай», «Ҳайрон солибсан», «Чаманда гул-2» каби кўшиқлар аруз вазнида яратилган. Аммо халқ кўшиқларида биз аруз вазни қоидаларига мукамал амал қилган ҳолда тўқилган шеърларни кўп учратмаймиз. Тахмин қилиш мумкинки, одатда бундай мисралар мумтоз шеърият билан шуғулланган ёки мумтоз шеъриятдан хабардор фарзандлар томонидан яратилган бўлиши мумкин.³

Ишимизда кўшиқлар матнини ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдик. Ёр-ёр кўшиқларининг қофияланиш тарзи кўпинча аб, аб тарзида ва баъзан аб, вб тарзида бўлади.

Ёр-ёрлар матнини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу кўшиқ турлари меҳнат ва мавсум маросим кўшиқларидан қофияланишдаги мукамаллик билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, ёр-ёрларда «бахт», «тахт», «сомон», «омон», «алвон», «полвон» каби чиройли

¹ Ўша китоб, 95-бет.

² Ўша китоб, 95-бет.

³ О.Мадаев, Т.Собитова. Халқ оғзаки поэтик ижоди. -Т.: «Шарқ», 2001, 84-бет.

қофия мисолларини учратамиз. Бу қўшиқ турлари мисралараро олти-етти бўғиндан иборат бўлиб, туроқ тизими 4+3, 5+2 тарзида белгиланган. Масалан:

Қат-қат, кўрна устида,

Пиёламан, ёр-ёр.

Ёрга салом бергани,

Уяламан. ёр-ёр.

«Суст хотин» маросимида ижро этиладиган «Суст хотин» қўшиғидаги қофияланиш ўзига хосдир. Яъни қўшиқ бошланишида жцфт қофияланган (а-а) бир ёки икки байт келади. Шундан сўнг в-в-г-в, д-д-е-д шаклида қоияланган икки банд, бу икки банд ўртасида б-б-б-ж-б тарзида қофияланган бир банд келади ва шу қўшиқ сўнгида яна жуфт қофияланган икки банд келади. Мазмун ва шакл мутаносиблиги нуқтаи назаридан олиб қараганда, қўшиқ бошланиши ва якунидаги жуфт қофияланган мисраларнинг ёғин тангриси-Суст хотинга қилинган хитоблардан иборат эканлиги кўзга ташланади. Дехқоннинг кечинмалари халқ шеърлятидаги тўртлик ва ундан мураккаброқ тартибда қофияланган бандларда ифодаланган.

Шундай қилиб, «Суст хотин» қўшиғи ва унга хос мазмун ва шакл нисбати маросим фольклоридаги бадий тасвир билан объектив воқелик ўртасидаги эстетик муносабатни кўрсатувчи муҳим факторлардан бири ҳисобланади. Қофияларнинг характериға келганда шуни айтиш кенрақки, деярли бутун қўшиқ давомида тўлиқ қофия қўлланилган. Айрим қофиялардаги ташхис эса нозик маъно оттенкаларини юзага келтирган:

Ҳаво ёғар тов-товга,

Йилқи энар у товга,

Кўчада юрган келинчак

Қочиб кирар ўтовга.

«Суст хотин» қўшиғи асосан бармоқ вазнидаги етти ҳижоли вазнда яратилган. барча бандларда бир хил туроқланишнинг мавжудлиги эса ифодаларнинг равон, силлик чиқишини, қўшиқ ритмикасининг изчиллигини вужудга келтирган.

«Чой момо» маросимида ижро этиладиган қўшиқларнинг бадий хусусиятиға тўхталадиган бўлсак, шуни эътироф этишимиз умкинки, мазкур қўшиқнинг поэтикаси ҳам мавсум маросими фольклорининг бошқа жанрларидан бироз ўзгачаликларға эға. Булар қуйидаги жиҳатларда кўзга ташланади:

а) «ЧОй момо» қўшиқлари ҳам туркий халқлар шеърлятиға хос бўлган силлабик тузилишға эға. Унинг барча вариантларида, метрик симметрия, изохроник ҳолат мавжуд эмас. Бу эса шеър тузилиши нуқтаи назаридан нормал ҳолат саналмайди.

б) Кўшиқ ритмикаси мисраларнинг турлича нисбатда турокланишига қарамай, нормал ҳолатдадир. Чунки халқ шеърятига хос цезуралар ижро шароитида кўшиқ ритмикасини муайян системага тушириб беради.

в) «Чой момо» кўшиғи дастлаб поэтик шаклга эга бўлмаган. Маросимда кишиларнинг илтижолари оддий прозаик хитоблар шаклида баён этилаверган. Буни кўшиқнинг исталган вариантыдаги метрик қонуниятларнинг бузилиши натижасида юзага келган турлича ритмик тебранишлар орқали исботлаш умкин.

г) Шеъринг матнда лексик-грамматик такрорларнинг қофия сифатида кенг қўлланилиши мазкур кўшиқда ҳали ўзига хос қофия алолат беради. Шунинг учун маросим мазмунини ифодаловчи унсурни, яъни кишиларнинг ёмғир ҳомийсига мурожаатларини

эмбрионал қофия воситасида баён этиш мавжуд фикрни маълум бир шеъринг ритмга солиш эҳтиёжи туфайли вужудга келган, деб қараш керак бўлади.

д) «Чой момо» кўшиқларида аниқ бир строфик система йўқ. Бу нарса кўшиқнинг нисбатан кейинроқ шеъринг шаклга тушганлигидан далолат беради.

«Чой момо» кўшиқларида асосан қаҳр-ғазабга минган шамол она ва унга илтижо қилаётган деҳқон образи иштирок этади. Кўшиқнинг барча вариантларида бу икки образнинг ўзгармаслиги «Чой момо» маросими жуда қадимий даврларда вужудга келиб, ҳозирга қадар ўзининг семантик ҳамда функционал хоссаларини ўзгартирмай келаётган мустақил жанр эканлигини яна бир қарра тасдиқ этади.¹

«Чой момо» маросимининг вербал компоненти шеъринг шаклга тушгандан кейин ҳам дастлабки анимистик қарашлар ўзгармай қолди ва у маросим кўшиғи поэтикасида жонлантириш поэтик усули сифатида шаклланди. Демак, жонлантириш бевосита маросимнинг функционал хусусиятини, унинг муайян мақсадга йўналтирилганлигини ифодаловчи поэтик санъат сифатида сақланиб қолган.

«Чой момо» кўшиғи учун характерли поэтик воситалардан яна бир риторик мурожаат ҳисобланади. Дарҳақиқат, кўшиқ шамол онага мурожаатдан бошланиб, яна шундай қатъий мурожаат билан якунланади. Чунки қадимги кишилар тасаввурида ана шундай қатъий мурожаатлар, изчил даъватларгина табиат учларига таъсир кўрсата олган, холос.

Ўзбек халқ тўйларида айтилувчи ўлан жанрининг ўзига хос хусусияти шундаки, ўлан поэтик жиҳатдан ҳам қатор ўзгачаликларга эга бўлиб, улардан бири матннинг изчил тўртлик шаклидаги банд тузилишига эга эканлигидир. Ҳар бир банд эса ааба тарзида қофияланади. Ўланларнинг аксарияти ритмик жиҳатдан ўн бир хижоли вазнга эга.

¹ Б.Саримсоқов. Маросим фольклори. // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. I том. «Фан», Т., 1988, 169-бет.

Тўй деганда бораман тўйлай-тўйлай,

Олтин соққа қўлимда ўйнай-ўйнай.

Қўлимдаги соққанинг мурти синсин,

Бизга ўлана йтганларнинг кўнгли тинсин.

Ёр-ёр қўшиғи поэтикаси ниҳотяда бой. У кўп ҳолларда арузнинг майин вазнида ижро этилиши, гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин, гоҳ ўйноқи, гоҳ вазмин мазмунга эгалиги билан никоҳ тўйи жанрлари орасида алоҳида ажралиб туради:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,

Отасизмим, ёр-ёр.

Отасининг йўғида

Баҳосизим, ёр-ё.

Биринг маржон, биринг мармар,

Тизилибсиз, ёр-ёр.

Биринг булбул, биринг гулёр,

Соз бўлибсиз, ёр-ёр.¹

Мотам ёр-ёрлари поэтик табиатига кўра тўй ёр-ёрларидан жуда катта фарқ қилади. Бу ҳол даставвал тўй ёр-ёрларининг мавзуси кенглиги, мотам ёр-ёрларининг эса мавзу жиҳатидан чегараланганлигида кўзга ташланади, яъни келин бўлиб тушаётган янги остонанинг қутлуғ бўлишини тилаш ҳамда ўзи севмаган кишига узатилаётган қизнинг ноласи каби икки етакчи мотив тўй ёр-ёрларида анъанавий барқарорлик касб этган. Мотам ёр-ёрларинингм атнида поэтик анъанавийлик ҳукмронлик қилмайди. Уларда ижрочилик учун текстуал кенглик имконияти бор. Шунинг учун ҳам мотам ёр-ёрларининг турли ижролардан ёзиб олинган вариантлари бир-биридан кескин фарқланиб туради.

Мотам ёр-ёрларининг шеър тузилиши ҳам ўзига хос бўлиб, чунончи, уларнинг вазн тузилиши полиметрик характерга эга яъни турли системадаги вазн типлари мавжуд. Хусусан, ёр-ёрнинг маълум қисмларидан сўнг такрорланиб келувчи «Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлшан, армонли қиз ёр-ёр FF Оналари дардига дармонли қиз, ёр-ёр» нақорати квантатитк шеърий ванзнга эга бўлса, қолган вазнлар силлабик вазндадир. Шунда ҳам барча мисраларда изосиллабизм йўқ. Бироқ ижро жараёнида изохранизмнинг устунлик қилиши ёр-ёр мисраларидаги вазн сакталигини сездирмайди.

Мотам ёр-ёрлари вазнининг мураккаблиги қуйидаги мисраларда намоён бўлади:

Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан, жононаси ёр-ёр,

Хур қизларнинг ичида дурдонаси ёр-ёр,-

¹ Ой олдида бир юлдуз. Т., 2000, 91-бет.

нақорати арузнинг муносариқ баҳрига тўғри келса, шу нақоратдан кейин келувчи қуйидаги мисралар силлабик вазнга мансуб эканлигидан ташқари, уларда изосиллабизмга риоя қилинмайди:

Ёр-ёр айтиб чимилдиққа кирдилар,

Совуқ тахта устида ёр-ёрларни айтдилар.

Оч юзимни, эй гассол, дўстларимни бир кўрай,

Оч юзимни, эй гўссол, оналаримни бир кўрай.

Бундай полиметриқ вазн тузилиши, бизнингча, биринчидан, мотам ёр-ёрлари генетик жиҳатдан тўй ёр-ёрлари қадар узоқ тарихга эга эмаслигидан, иккинчидан, бу жанр бевосита тўй ёр-ёрларидан олиниб, маросим руҳи ва мазмунига мос ҳолда бутунлай янгича йўналишда шаклланганлигидан далолат беради. Негаки инсоннинг анимсистик тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда мотам маросимидан ўрин олган бўлса ҳам, моҳият эътибори билан ёр-ёр жанри ва ўлим маросими генетик алоқадорликка эга эмас. Нақоратларнинг кристалл шеърий шаклга, тўй ёр-ёрлари билан бир хил вазнга эга эканлиги, қолган мисраларнинг қуйма ҳолга келганлиги, вазндаги тебранишлар буни яна бир қарра тасдиқлайди. Бинобарин, ана шу полиметрия туфайли ёр-ёрни мунг ва ҳазинликни оширувчи, марҳумнинг яқинлари юрагини ларзага келтирувчи сўзларни танлаб мисралар тузади.

Кўринадики, мотам ёр-ёрларида изчил банд тузилишига риоя қилинмаслиги ёр-ёрни бадиҳа қилишларига қулайликлар туғдиради.

Мотам ёр-ёрларидаги қофияланиш тартибида ҳам ранг-баранглик кўзга ташланади. Масалан, айрим ўринларда бир неча мисралар қаторасига тўлиқ қофия ҳамда ёр-ёр сўзининг такрори асосида бирлашиб, оҳангдошлик касб этсалар («хамроҳ қизи, подшо қизи « каби), айрим ўринларда изчил қофияланиш учрамайди, мисралардаги оҳангдошлик эса лекси, грамматик, такрорлар ҳисобига амалга оширилади (-ни бир кўрай, -ни бир кўрай ва ҳоказо). Лексик-грамматик такрорларнинг изчил ритмик позицияда параллел қўлланилиши қадимги туркий халқлар позициясида қофия вазифасини ўташи аглютинатив тиллардаги халқлар эпик шеърияти учун хос эканлиги шарқшуносликда аллақачонлар тасдиқланган фактдир.¹ Бироқ бу ўринда бир нарсага алоҳида аҳамият бериш лозим. Агар диққат қилинса, лексик-грамматик такрорларнинг қофия вазифасида келиш ҳолати лирикасига қараганда, эпик шеъриятда кўпроқ учрайди. Мотам ёр-ёрларининг мазмуни, воқеликни тасвирлаш характери, шунингдек, қофияланиш тизимида лексик-грамматик

¹ Жирмунский В.М. О тюркском народном стихе. Некоторые проблемы теории. // Тюркский героический эпос. Л., 1974, с.-654-655.

такрорларнинг оҳангдошлигига асосланиши каби ҳолатлар бу жанрнинг генетик асослари эпик жанрларга алоқадор эмасмикин, деган тахминга олиб келади. Бу нарса келгусида мотам ёр-ёрларининг, бир томондан, тўй ёр-ёрлари, иккинчи томондан, йиғи-Ойўқловлар билан муносабатини мазкур жанрлар ўртасида юз берган трансформациялар ва диффузиявий ҳолатларни жиддий тадқиқ этишни талаб қилади. Бироқ бизнинг ишимиз биров чекланганлиги туфайли бунинг ҳозирча имкони йўқ.

Ўрим-йиғим пайтида айтиладиган майда кўшиқлари бармоқ системасининг 7,8 ва баъзан 10 бўғикли вазнларда яратилиб, 4-3; 3-4-3; 2-2-3; 4-4- каби шаклларда туроқланган бўладилар. Ҳар бир мисрада ёки икки мисрадан кейин такрорланиб келувчи «майда-ё, майда» бирикмаси айрим мисралардан бир бўғин кўп ё озлигини билдрмай, тўртликлар ритмидаги изчилликни тўла сақлашга хизмат қилади.

Майда, десам, хўп, дединг, майда-ё, майда,

Сомонини кўп дединг, майда-ё, майда.

Майда қилсанг ярашар, майда-ё, майда.

Бари жонивор қарашар, майда-ё, майда.

Қайириб-қайириб босгина, майда-ё, майда,

Қолмасдан бўлсин жонивор, майда-ё, майда.

Ўралиб-ўралиб босгина, майда-ё, майда.,

Ўралар тўлсин, жонивор, майда-ё, майда.¹

Майда кўшиқлари меҳнат кўшиқлари ичида нисбатан поэтик жилов кўрган жанрлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларда гўзал ташбеҳлар, поэтик истиора ва рамзлар, фавкулодда эпитетлар ҳамда муболағалар кўп учрайди.

Ҳайвонларни соғиш пайтида айтиладиган кўшиқларда ҳайвонни ийдириш, уни эркалаш етакчилик қилганлиги учун соғилаётган ҳайвонга чиройли эпитетлар (қалам қош, говмиш молим, боғда очилгангулим), ташбеҳлар (шоҳларинг бир минор-а, чашмадек булок) кўшиб мурожаат қилинади. Айрим тўртликларда эса омоним сўзлар қофияланиб, тажнис санъати воситасида ҳайратомуз нозик сўз ўйинлари ҳам қилинади. Масалан:

Товларда бор қув олма, турей-турей,

Совди бўлган сув олма, турей-турей.

Болагинанг йўқлигин, турей-турей,

Жонивор, кўнглингга олма, турей-турей.

¹ Шода-шода марварид. 258-бет.

Тўртлик қофиялари омоним сўзлардан ташкил топган бўлиб, биринчи мисрадаги «олма» сўзи-мева тури, иккинчиси-буйруқ майлидаги феъл формаси тўртинчи мисрадаги «олма» сўзи эса, «хафа бўлма» маъносидаги сўздир. Мана шу фактнинг ўзи соғим кўшиқларининг бадий жиҳатдан бир қадар юксак эканлигини кўрсатади.

Соғим кўшиқларининг бадий хусусиятларидан яна бири уларда персонификация усулининг қўлланиши ҳисобланади. Персонафикация жонлантириш приёмининг бир тури бўлиб, бирор жонсиз предмет, ҳайвон ёки паррандага шахс сифатида мурожаат қилишдан иборат. Шарқ адабиётшунослигида бу усул ташхис (шахслантириш) деб юритилади. Соғим кўшиқларидаги ташхиснинг муҳим хусусияти шундаки, бунда соғилаётган ҳайвонга нисбатан қилингандай мурожаат этиш олдин адабий

приём эмас, балки қадимги инсонлар тасавуридаги анимистик қарашларга асосланган. Чунки ибтидоий инсон ўзини ўраб олган жонли ва жонсиз нарсаларнинг барчасига инсон каби фикр қилиш ҳамда инсон нутқини сезиш иқтидорига эга деб қараган. Шу боисдан ҳам соғим кўшиқларида бир ўринда соғилаётган ҳайвонга илтижо қилиш, уни макташ устунлик қилса, бошқа бир ўринда уларга дўк-пўписа қилиш, кўрқитиш ҳоллари цчрайди. Умуман, соғим кўшиқларидаги ташхис санъати кишига ўз ички дардларини, руҳий ҳолатларини, алам изтиробларини баён қилишнинг муҳим воситаси сифатида катта аҳамият касб этади.

Соғим кўшиқлари строфик тузилиш мустақил тўртликлар шаклида бўлиб, уларда изосиллабизм етакчилик қилади. Тўртликлар асосан ааба тарзида қофияланиб келади. Соғим кўшиқлари ҳам унутилиб бормоқда, чунки меҳнатнинг бу турида ҳам механизациянинг кенг татбиқ этилиши қўл меҳнатини ва у билан соғим кўшиқларини ҳам унутилишига олиб келди.

Кўшиқларда параллелизмнинг кўп қўлланиши шеърни ҳаётга яқинлаштириш билан асосий ғояни ташувчи сўнгги мисралардаги фикрни тушуниш, ҳис этиб олиш учун кайфият туғдиради. Параллел образ мазмун ва шаклда уйғун келади-да, зид тушунчалар, ҳолатларни лирик қаҳрамоннинг ички дунёси, руҳий кечинмалари орқали тасвирлашга имкон беради.

У қошим ҳам бу қошимнинг

Ораси бир қилча бор.

Ғам билан ўтган умрнинг

Соати бир йилча бор.

Икки қош орасининг яқинлиги билан ғамда ўтган умрнинг узоклиги зид қўйилади. Қошнинг яқинлиги ёқимли бўлса, ғам билан ўтган умрнинг узоклиги кўнгилсиз бир ҳол эканлиги лирик қаҳрамон кечинмаларида берилади. Кўма маънода келган тасвирий

воситалар параллелизмда ўринли ишлатилса, завқ ва билим берадиган маъно чиқмай қолади. Образлар ўртасида биринчи боғланиш ёки кўринишда ўхшашлик бўлади ва қўшиқда бадий воситалик вазифасини ўтайди.

Бу тоғлар қанадй тоғлар,

Тоши бор, тепаси йўқ.

Ваъдасида турмаган ёринг

Дарди бор, вафоси йўқ.

Тоғ, тош-кўзга кўринадиган нарса билан ваъда, дард, вафо-кўзга кўринмайдиган ҳол параллел қўйилган бўлиб, улар орасида ички боғланиш бор. Басавлат кўринган тоғларнинг тоши бўлиб, тепаси йўқлиги учун чиқиш қийин бўлганидек, ёр бўлиб ваъдасида турмайдиган киши билан муроса қилиб бўлмайди, чунки унинг дарди бору, вафоси йўқ.

Шарқ шеъриятида параллелизмда келадиган тобе қиёфалар мавжуд Гул-булбул, шам-парвона каби. Қиёсий образлардаги сифатлар одамга берилади. Гул латиф ва гўзал, булбул унинг шайдоси, тиканлардан озор чекади. Шам ёруғлик сочувчи, парвона унга ўзини уриб жонини фидо қилади. Қуёш нур сочади, оламни иситади. Шоҳ-ҳукмдор мулк эгаси, айтганини қилади, гадо тобе, кулбаси ҳам йўқ. Табиб дардларни

даволовчи, бемор шу табиб давосидан ҳожат топиб тузалади, табибнинг бир яхши сўзи ёки табассум билан қилган илтифоти ошиқ беморнинг шифоси ва шу кабилар. Параллелизмда қўлланган баъзи сўзларнинг лутф бўлиб тушиши, яъни сўз ўйини бўлиб икки маънода келиши ҳам мумкин:

Қошингизнинг қораси,

Майдонга тушди сояси.

Жуда йироқ бўлиб кетди,

Икки ёрнинг ораси.

Бу содда, юксак бадий тасвирда қошнинг қоралиги ҳақида байтда биз тушунган маънодан ҳам бошқа маъно бор. Киши ёки нарсанинг қораси кўринган жойда унинг сояси тушади, жуда яқин юриш керак бўлган икки ёрнинг узоклашиши қарама-қарши қўйилади. Қораси кўринган жойда сояси бўлиши керак. Ўзининг қоралиги билан мафтун қилган қошнинг сояси гўё майдонга тушгандай сезилиши лирик қаҳрамонни маҳлиё қилганлигини англатади. Бу қўшиқда қора икки маънода келиб лутф бўлиб тушган. Бир сўзни бир неча маънода ишлатишнинг гўзал намуналари мумтоз адабиётимизда жуда кўп учрайди.

Қўшиқларда ғариблик, ёлғизлик, иложсизлик ифодаланганда, тутқунлик рамзи сифатида кишан, зиндон, қафас қаноти синган қуш, булут, қоронғи каби сўзлар тасвирлаш воситаларида қўлланади. Шунингдек, қуёш, о, баҳор, кугдуз, гул юз ва чехрага; юлдуз,

нарғис кўзга; савр шамдош, тол қад-қоматга; сунбул, кеча, тун, йўл сочга, бинафша холга; гулзор, навбаҳор

жаннат суҳбатга; ғунча, лаъл, маржон лабга тегишлидир. Мана шундай ўхшатиш ва истиоралар кўшиқдаги образларни ёрқинроқ англашга ёрдам беради. Қуйидаги кўшиқ бадий баркамолликнинг гўзал намуналаридан биридир.

Ой юзингга ойнаман,

Сунбул сочингга мен тароқ.

Хушласанг олдингдаман,

Хушламасанг, кетай йироқ.

Кўшиқ шу даражада самимийки, ҳатто ёрнинг ой юзига ойна, сунбул сочига тароқ бўлиб турган, яъни юзини кўрсатиб, чигилини тараб турган кишининг ихтиёри ўзида йўқ; ёр хушласа олдида, хушламаса йироққа кетади. Ошиқнинг маъшуканинг муҳим нарсаси-ойна билан тароққа ўхшатилиши жуда ўринли. Чунки у хушласа ойна, тароқни олади. Хушламаса нари кўяди. Аммо доимий кечолмайди. Демак, ойна, тароқдай керак бўлсам ҳам, сенинг ихтиёрингдаги нарсаман, деган фикр англатилади. Бу қадар гўзал тасвир халқ ижодига хосдир, албатта.

Кўшиқларнинг бошида, ўртасида келиб, такрорланадиган бир қатор сўзу, ибора ва мисралар бор. Бу нарса кўшиқнинг тез яратилиши, бадиҳаси учун ҳам, узоқ ёдда сақланиши учун ҳам катта аҳамиятига эга. Масалан, кизил гул, юқоридан рўмол, дарё, олма, ҳовли, қош, эшик, тоғ, осмон, кўшиқ, чилдирма, дутор, булут, учар куш, осмон, ҳаво, бозор, сув, ароқ каби сўзлар билан жуда кўп мисралар бошланади. «Кизил гул тагига борсам», «Кизил гул очилиб», «Кизил гулинг қатма-қат», «Гул қистириб чикмацсан», «Кизил гул орасида», «Дарёнинг суви лим-лим», «Дарёларнинг ул юзида», «Эшигим эшикгинангга боқади», «Юқоридан мен келарман», «Юқоридан учган чумчуқ», «Юқоридан қиз келади», «Рўмолингни бериб кет», «Боғ ичида сайрар», «Қошингнинг короаси», «Тоғдан нари тегирмон», «Бу тоғлар қандай тоғлар», «Бу кўрингантоғлар», «Ҳовлингизга йўл солай», «Ҳовлингиз офтоб экан», «Ҳовлингиздан ўтаман», «Ҳаво мунча ёғасан», «Ҳаводаги юлдузлар» ва шунга ўхшаш мисралар табиат ва ҳаёт манзараларини жонлантириш учун муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, ўзбекларда кўшиқ кенг маънода бутун шеърятни билдирган. Бундан ташқари, куйланиб айтиладиган, аксарият тўртликда ривожланган халқ кўшиқларидирки, улар турмушни ҳар томонлама қамраб олган, юз берган воқеаларга ҳозиржавоб маънавий маданиятимиз дурдоналари бўлиб, борган сари янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Хулоса

Биз битирув-малакаий ишни ёзиш жараёнида халқ кўшиқлари ўзининг шаклан гўзал ва мазмунан теранлиги, оҳорли ташбеҳларга бойлиги ва юксак бадиияти, жарангдор ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туришига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Чунки инсон руҳияти кўшиқ билан боғлиқ. Зеро, инсонга эзгулик, Ватанга садоқат ва Ватан, миллат тақдири ҳақида қайғуриш, миллий қадриятларимизни қадрлаш каби фазилатлар халқ кўшиқлари, тўғрироғи, она алласи орқали синггади.

Масалан:

Алла, десам, бор бўлгин, алла,

Менга номус-ор бўлгин, алла.

Катта бўлган чоғингда, алла,

Халққа вафодор бўлгин, алла.

Улғай болам гул Ватанда, алла,

Ботир бўлиб ўсгил кўзим, алла.

Сени кўриб бу чаманда, алла,

Яйраб-қувонай, юлдузим, алла.¹

Албатта бундай руҳдаги аллани тинглаган инсоннинг қон-қонига ватанпарварлик туйғулари сингиб кетади. Демак, инсон борки, кўшиқ тинглаб улғаяди, кўшиқ эшитиб, кўшиқ яратиб ёки куйлаб яшайди. Инсон ҳаёти турли-туман кўшиқлар билан боғлиқ. Чунончи, у туғилганда алла тинглаган, чақалокни биринчи марта бешикка белаётганда, бешикда олаётганда, чақалокқа исирик тутатаётгандаги айтиладиган айтимларни тинглайди.

Жарчилар тўйга чорлаганда, тўйларда турли кўшиқларни (ёр-ёр, келин салом ва ҳоказолар) эштади. Лапарларни тинглайди. Иш жараёнида турли меҳнат кўшиқларини эштади ёки ўзи иштирок этади.

Хуллас, кўшиқларда халқ ҳаётининг барча қирралари акс этади. Аслида халқ руҳиятини унинг кўшиқлари орқали ўрганган маъкул.

Биз битирув-малакаий ишимизда халқнинг ҳар қандай давр, ҳар қандай тақиқларда ҳам синмаган метин иродаси, ўлмас руҳи ифодаланганлигини ёритишга, халқ кўшиқларининг илдизлари жуда узоқ замонларга бориб тақалишини ҳар томонлама очиб

¹ Шода-шода марварид. 388-бет.

беришга, бу борада фольклоршунос олимларнинг фикрларига таянган ҳолда хулоса чиқаришга ҳаракат қилдик.

Ҳақиқатан ҳам халқ кўшиқлари асрлар оша етиб келган ноёб дурдоналардир. Булар хар қандай тузумда ҳам халқнинг тинмай ижод қилганлигини кўрсатиб турибди. Асрларни бўйлаб келаётган халқ кўшиқларидан теран мазмун, чуқур фалсафий мушоҳадалар, улардаги соддалик ва равонлик, бекиёс жозиба ва жарангдорлик, табиийлик ва самимийликни ҳеч нарсага менгзаб бўлмайди. Уларда айтилган фикр нақадар теранлигига «Дарё-тошқин» кўшиғидан олинган қуйидаги биргина тўртликнинг ўзи мисол бўла олади:

Дарё-тошқин, сувлар-тўлқин, ўтолмайман-ей,

Отим ориқ-манзилимга етолмайман-ей.

Отгинамни ориқ қилган шул майда тош-ей,

Рангинамни сариқ қилган шул қалам қош-ей.¹

Халқ кўшиқлари ранг-баранг жанрлардан ташкил топганлиги билан ҳам характерлидир. Шу ўринда машҳур халқ ҳофизи Комилжон Отаниёзовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик:

«Санъаткор ўқимишли, ҳар тарафлама билимли, зукко одам бўлиши керак. Хонанда саводли, маълумотли бўлиши, оғзидан чиққан сўзнинг маъносига тушуниши учун адабиётни кўп ўқиши керак. Адабиёт билан санъат оға-ини, балки эгизакдир. Ҳақиқий санъаткор шоирлар, адиблар билан яқин алоқада бўлмоғи лозим».²

Биз ишимизда халқ кўшиқларининг вариантлари ва уларнинг бадиий хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни ҳам баён этдик. Халқ кўшиқлари-халқ шеърятининг лирик марваридларидир. Бу ноёб дурдоналарни келгуси авлодларга етказиш бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки йиллар ўтса ҳам ўз жозибаси ва таъсирчанлигини йўқотмасдан олмос каби тобора сайқалланиб бораётган кўшиқларда халқимизнинг ўтмиши ва бугуни мужассам. Қуёш борлиқни ёритгани каби халқ кўшиқлари ҳам қалбларимизни мунаввар этиб, доимо онгимиз ва шууримизга ёғду сочаверади.

¹ Шода-шода марварид. 16-бет.

² Зоҳидов Ф. Комилжон Отаниёзов. Т., 1980, 53-54-бетлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т., «Маънавият», 2008.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари...-Т«Ўзбекистон», 1998.
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997.
4. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафқурас халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин.«Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар.- Т., «Ўзбекистон», 1998.
5. Махмуд Қошғарий. Девону луғотут- турк. III-том. -Т., 1963.
6. Б.Саримсоқов Ўзбек маросим фольклори. -Т., «Фан», 1986.
7. М.Алавия. Ўзбек халқ кўшиқлари. -Т., 1959.
8. Б.Саримсоқов. Меҳнат кўшиқлари // Ўзбек фольклори очерклари. -Т., «Фан», 1988, I-том.
9. Суханов И.В. Обычаи, традиции и преемственных поколений.- М., 1976.
10. Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. Исторические корни и развитие обычаев.- М., 1983.
11. Богатүрев П.Г. Вопросы теории народного искусства. -М., 1971.
12. Пропп В.Я. Жанровый состав русского фольклора. Фольклор и действительность»-М., 1976.
13. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Т., 1980.
14. Раззоқов Ҳ. Мирзаев Т. Собиров О, Имомов К., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Т., 1980.
15. Виноградова Л.Н. Зимняя календарная поэзия западных и восточных славян. Генезис типология колядования. М., 1982.
16. Жирмунский В.М. О тюркском народном стихе. Некоторые проблемы теории. // Тюркский героический эпос. Л., 1974
17. Собиров О. Очиллов К. Хўп майда кўшиқлари.// Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, 1-сон.
18. Очиллов К. Соғим кўшиқлари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон.
19. О. Мадаев, Т.Собитова. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Т., Шарқ, 2001
20. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафоев О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди.- Т., Ўқитувчи, 1990
21. Гулёр. Фарғона кўшиқлари. Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. - Т., 1967.

22. Оқ олма, қизил олма. Қўшиқлар. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т., 1972
23. Бойчечак. Қўшиқлар.-Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
24. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари.- Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000
25. Шода-шода марварид. Ўзбек халқ қўшиқлари. -Т.,Шарқ,2006
26. Носиров Р. Халқ қўшиқларининг занжирли композицияси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002 йил, 3-сон.
27. Олимбоева, Аҳмедова К. Ўзбек аёли ҳақида мусиқа. -Т., 1996.
28. Ўзбек халқ музикаси. IX жилд, -Т., 1962
- 29.Очилов К. Меҳнат қўшиқларининг яратилиши ва вариантлашуви. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 6-сон.
30. С.Мирзаева. Ўзбек халқ романик дostonлар поэтикаси. Андижон, 2000.
31. С.Мирзаева. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. -Т., Истиқлол, 2006
32. Беленький М.С. О мифологии и философии Библия. -М., 1977
33. Токарёв С.А. Ранние формы религии.-М., 1990

Мундарижа

Кириш----- 4-10- бетлар

I-боб

Ўзбек халқ кўшиқлари генезиси----- 11-26 бетлар

II-боб

Халқ кўшиқларида вариантлилик
масаласи----- 27-44- бетлар

III-боб

Халқ кўшиқларининг бадий хусусиятлари----- 45-68 бетлар

Хулоса----- 69-71- бетлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати----- 72- 73-бетлар